



ПОСТДА

ГАЗЕТА 1930 ЙИЛ 12 МАЙДАН ЧИКА БОШЛАГАН • Ўзбекистон Республикаси ИИВ нашри • 2003 йил 19 июнь, пайшанба • 25 (3501)-сон

САЛОМАТЛИК ПОСБОНЛАРИ



Республика ИИВ поликлиникасида юқори малакали шифокорлар меҳнат қилишади. Уларнинг асосий вазифаси ходимларга беминнат тиббий хизмат кўрсатишдан иборат.



Суратларда: терапевт Г. Одилова (ўнгда) ва ҳамшира С. Товбаева; физиотерапия бўлимаси шифокори Р. Шоммадиева (ўнгда) ҳамда ҳамшира Д. Саидхонова беморни даволашяпти. А. КЕНЖАЕВ олган суратлар.

«Ғалла – 2003»

Ғалла ўрим-йиғими даврида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, куч ва воситаларни марказлаштирилган ҳолда бошқариш мақсадида ИИВ Ёнғин хавфсизлиги Бош бошқармаси қошида тезкор штаб тузилди. Ҳар бир вилоятга малакали ходимлар бириктирилиб, назорат кучайтирилди.

КАМЧИЛИКЛАР БАРТАРАФ ЭТИЛАДИ

Мавсумга жалб этиладиган комбайн ва бошқа автотранспорт воситаларининг шайлиги, техник созлиги ва бирламчи ёнғин ўчириш воситалари билан таъминланганлиги текшириб чиқилганда ҳали бу борада камчилик ва муаммолар борлиги аниқланди. Масалан, текширувлар давомида Кейс, Нью-хolland, Клаас русумли комбайнлардан 4,7 фоизи ёнғин ўчиргич, 4,2 фоизи брезент ёки кигиз, 8,4 фоизи сув идиш билан таъминланмаганлиги маълум бўлди.

Бундан ташқари, республикаимиз ҳудудида жойлашган дон қабул қилиш, сақлаш ва қайта ишлаш корхоналарининг ёнғинга қарши ҳолати қайта текширилганда қатор камчиликлар борлиги аниқланди. "Нукус ун заводи" ҳиссадорлик жамиятидаги ички ёнғинга қарши жўмрақлар енг, дастак ва улаш мосламалари билан жиҳозланмаган. Бош электр трансформаторида ёнғин ўчиргичлар йўқ. Тегирмондаги ёнғинни тез сезувчи ва хабар берувчи мосламалар таъмирланмаган, ишлаб чиқариш цехларига фавқулодда ҳолатда ишлатиладиган электр ёритгичлар ўрнатилмаган.

Балиқчи тумани дон қабул қилиш шохобчасидаги ёнғинга қарши қалқонлар бирламчи ёнғин ўчириш воситалари билан таъминланмаган, мавжуд ОХП-10 русумли ёнғин ўчиргичларнинг кимёвий таркиби янгиланмаган, биноларнинг том қисмидаги ёғоч қурилмаларга ёнғинга қарши кимёвий суюқлик билан ишлов берилиб, тез ёниш хусусияти пасайтирилмаган.

"Жиззахдон" корхонаси насослар хонасидаги 2-сонли сув узатиш насоси таъмирланмаган, марказий омборхонага ўрнатилган ёнғинни тезда сезувчи ва хабар берувчи мосламалар носоз ҳолда, ишлаб чиқариш цехларидаги ички ёнғин ўчириш жўмрақлари енг, дастак ва улаш мосламалари билан таъминланмаган, корхона ҳудудидаги ҳовуз сув билан тўлдирилмаган.

Шунга ўхшаш ҳолатлар Яқкабоғ туманидаги дон маҳсулотларини қабул қилиш корхонаси, Навоий вилояти хўжалиқларидаги вақтинча дон қабул қилиш омборларида ҳам кўзга ташланди. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан вилоят, туман ҳокимликлари ҳамда юқори ташкилотларга 14 та ахборотнома ва тақдимномалар киритилди. Уйлаймизки, мавсум жойларда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этилган ҳолда, беталафот ўтади.

Д. ҚАМБАРОВ, ички хизмат катта лейтенанти.

«Обуна – 2003»

АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР!



Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг "Постда" ва "На посту" газеталари ҳамда "Qalqon" ва "Шит" журналларига 2003 йилнинг иккинчи ярми учун обуна давом этмоқда. Обуна "Матбуот тарқатувчи" ОТАЖ орқали ҳамда барча алоқа бўлимларида амалга оширилади.

Жинойт қидирув хизмати воқеалари, терговчи ён дафтаридаги битиклар ҳамда суд очеркларига қизиқсангиз нашрларимизга обуна бўлинг. Газеталаримизда мамлакатимиз ва дунё спорт янгиликлари, теледастурлар, мунажжимлар башорати билан ҳам мунтазам танишиб борасиз. Кроссворд, сканвордлар ҳам доимий равишда бериб борилади. "Саломатлик", "Ниҳол" каби саҳифалар ҳам сизни бефарқ қолдирмайди деб уйлаймиз.

Кейин афсусланмай десангиз, газета ва журналларимизга 2003 йилнинг иккинчи ярми учун обуна бўлишга шошилинг.

ИНДЕКСЛАРИМИЗ:

- «ПОСТДА» – 180 (366)
- «НА ПОСТУ» – 169 (367)
- «QALQON» – 970 (1083)
- «ШИТ» – 971 (1084)



ДУНЁ ҲАФТА ИЧИДА

жароҳат олиб, касалхонага ётқизилди.

● Кузбассдаги "Зиминка" шахтасида метан газининг портлаши оқибатида рўй берган кўчки оқибатида бир неча киши тупроқ остида қолди. Олиб борилган кутқарув ишлари натижасида бир ярим кундан сўнг тўрт шахтёр кутқариб олинди. Бир ишчи бедарак йўқолган.

● Грознийда эрта тонгда йўналиш бўйлаб бораётган такси ҳайдовчиси

бекаат яқинидаги янги қавланган жойни кўриб қолиб, бу ҳақда комендантга хабар берди. Тезда етиб келган мутахассислар олти килолн пластидан тайёрланган қўлбола портлатиш воситасини зарарсизлантиришди.

● АҚШ шимолидаги Кентукки штатида юк поезда темир йўлда тўхтаб қолган енгил автомашинани уриб юборди. Унда Нэдлерлар оиласи – эрхотин, икки қиз ва ўғил

бораётган эди. Хонадон бекаси ва қизлар воқеа жойида ҳалок бўлишди. Уч ёшли ўғил эса жиддий жароҳат олди.

● Американинг Портленд шаҳрида пицца тайёрловчилар ўз маҳсулотларини тарғиб қилишда уй-жойсиз фуқаролардан фойдаланишяпти. Улар йўлакларда плакат кўтариб юриб, егуликни роса макташади. Хизмат ҳақи учун пицца, сиропли сув ва бир неча АҚШ доллари оладилар.

«Галла – 2003»



“Режасиз иш – келтирар ташвиш” дейишади. Буни яхши билган Навоий вилояти ИИБ ходимлари бу йилги галла ўрим-йиғими мавсумида жамоат тартибини сақлаш, ёнгин ва йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, дон маҳсулотлари талон-торож этилишининг олдини олишга пухта тайёргарлик кўришди. Мавсум олди-дан ўрим-йиғимга жалб этиладиган барча техника кўриқдан ўтказилди. Жумладан, мавсумга шай эмас деб топилган 5 та комбайнни созлаш бўйича кўрсатмалар берилди. Хусусан, уларнинг айримлари бирламчи ўт ўчириш воситалари, тиббиёт қутичалари билан таъмин-

ИМКОНИЯТЛАР ИШГА СОЛИНЯПТИ

ланмаган эди. Дон ташишга мўлжалланган автомашина ва тиркамали тракторларнинг бир қанчаси техник жиҳатдан яроқсиз эканлиги аниқланди.

Вақтинчалик ва доимий дон қабул қилиш омборлари ҳам эътиборимиздан четда қолмади. Улардаги электр тармоқларнинг ҳолати кўздан кечирилди, тунда яхши ёритилмайдиган жойлар кўрсатиб ўтилди.

Ҳосилни беталафот ом-

борхонага етказишда йўлларнинг ҳолати ҳам катта аҳамиятга молик. Текширувлар шуни кўрсатдики, камчиликларнинг асосий қисми маҳаллий аҳамиятга эга йўлларда учрайди. Жумладан, қатнов қисмида ўйдим-чуқурлар мавжудлиги аниқланди. Зарур жойларга йўл белгилари ўрнатилди.

Бугунги кунга келиб мавжуд камчиликлар бартараф этилди. Бунга осонлик билан

эришилмади, албатта. Тегишли хўжалик раҳбарларига ёзма кўрсатмалар берилди, йўл, кишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари бошлиқларига тақдимномалар киритдик. Ўз ишига совуққонлик билан қараган уч нафар мансабдор шахсга нисбатан маъмурий чора кўришга ҳам тўғри келди. Хуллас, халқимиз ризқ-рўзи бўлган галла ҳосилини нест-нобуд қилмай йиғиштириб олиш учун барча имкониятларни ишга соляпмиз. Бу савобли ишга вилоят ИИБнинг 500 нафар ходими сафарбар қилинган. Улар орасида ёнгин, йўл ҳаракати хавфсизлиги, профилактика, патруль-пост хизмати ходимлари бор.

Дилмурод РЎЗИЕВ,
милиция подполковниги.

ТЎКИН-СОЧИНЛИК МАНБАИ

Деҳқон қалб кўри, пешона тери билан етиштирган ҳосилни нест-нобуд қилмасдан ўриб-йиғиб олишни хоҳлайди. Туманимиз аҳли жорий йилда 17 минг тоннадан зиёд галла етиштиришга бел боғлаган. Бу эса кўп жиҳатдан комбайнлар, автомашиналар ва тиркамали тракторларнинг шайлигига, техник жиҳатдан созлигига боғлиқ. Қибрай тумани ИИБ йўл ҳаракати хавфсизлиги гуруҳи ходимлари ўрим-йиғим мавсуми олдида хўжаликларда бўлиб, техниканинг шайлигини кўриқдан ўтказдилар. Айниқса, уларнинг ёнгин хавфсизлиги ҳолатига алоҳида эътибор берилди.

Мавсум авжига чиққан паллада автоуловлар қатнови тигизлашади.

Қолаверса, одатдаги ўрим-йиғим кунлари ҳам ҳаракат хавфсизлиги қоидаларига амал қилиш зарур. Шу сабабдан ҳайдовчилар ўртасида кенг тушунтириш ишлари олиб борилди. Уларга ҳар кун иш олдида ўзига биркирилган техниканинг созлигини текширишлари зарурлиги, то аниқланган носозликлар бартараф этилмагунча ундан фойдаланиш мумкин эмаслиги тайинланди.

“Нон ҳам нон, увози ҳам нон”, – дейди доно халқимиз. Галла нобудгарчилигига йўл қўймаслик муҳим масала. Барча механизаторларга донни фақат маҳсус жиҳозланган автотехника воситаларида ташини мумкинлиги эслатилди.

Аммо бу ходимлари-

миз галла ўрим-йиғими билан боғлиқ ўз вазифаларини бажариб бўлишди, дегани эмас. Ҳадемай, мавсум бошлангач, улар галлазорларда, хирмон бошида, дон ҳосили ташилладиган ҳаракат йўналишларида хизматларини кучайтирадilar. Мақсадимиз йўл ҳаракати, ёнгин хавфсизлиги қоидаларига амал қилинишига эришиш, ташмачиликнинг олдини олиш. Хулоса қилиб айтганда, бободехқонга камарбаста бўлиш бизнинг вазифамиздир. Зеро, юртимиздаги тўкин-сочинлик, дастурхонимизга барака қириши етиштирилган мўл ҳосилни увол қилмасдан йиғиштириб олишимизга боғлиқ.

Ҳасан АРСЛОНОВ,
милиция майори.

МАСЪУЛИЯТНИ ҲИС ЭТИБ

Туманимиз галлакорлари бу йил 18640 гектар майдонга уруғ сегишган. Пишиб етилган ҳосилни нобудгарчиликсиз йиғиштириб олиб, давлат омборларига етказиб бериш барчамизнинг олдимизда турган долзарб вазифадир. Биз, ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимлари зиммасига эса бу янада масъулият юклайди. Мавсумга жалб этилган барча фуқаролардан биринчи навбатда ёнгин хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя қилиш талаб этилади.

Ходимларимиз автомобиль ва темир йўллар атрофидаги галла майдонларида ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя этилишини назорат қилиб бормоқдалар.

Ёнгин чиқиши мумкин бўлган шароитда галла ўриладиган майдонлар яқинида

ҳайдов тракторлари тайёр туриши таъминланмоқда. Ўрим-йиғимга жалб қилинган комбайнлар, тракторлар, автомобиллар ва бошқа ёрдамчи техникаларнинг ёнгинга қарши бирламчи ўт ўчириш воситалари текширувдан ўтказилиб, сўнг далада ишлагга рухсат этиляпти.

Комбайн бошқарувчиларига ёнгин хавфсизлиги бўйича йўриқномалар берилди.

Туманимиз галлакорлари етиштирган ҳосилни нест-нобуд қилмай йиғиб олишда ёнгинларнинг олдини олиш борасида амалга ошириладиган ишларимиз ўз самарасини беради, деган умиддаман.

Ж. АЗИМОВ,
Нишон тумани ИИБ ЁХБ катта инспектори, ички хизмат майори.

Наманган вилоятида бу йилги галла ўрим-йиғимига алоҳида тайёргарлик кўрилди. Мавсумни намунали ўтказиш мақсадида вилоят ИИБ ёнгин ва йўл ҳаракати хавфсизлиги, кўриқлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бошқармалари томонидан бир қатор ишлар амалга оширилди.

– Мавжуд галла майдонларида, галлани қуритиш омборларида ёнгиннинг олдини олиш мақсадида хавфсизлик чоралари кўрилди, – дейди вилоят ИИБ ЁХБ бошлиғи, ички хизмат подполковниги Б. Дедабаев.

– Жойларга зарурий тадбирлар, алоҳида эътибор берилиши лозим бўлган вазифалар белгиланган кўрсатмалар юборганмиз.

Сир эмас, ҳозирда меҳнат қилмай роҳат кўрмоқчи бўлган, текин-дан келса тошни ют қабилида иш тутувчи, халқ мулкни туя қилувчилар ҳам учраб турибди. Бундай ҳолатларга йўл қўймаслик учун мавсумга турли хизматлардан вакиллар жалб қилинган.

Галла майдонларида назорат масканлари ташкил этилиб, уларга бир нафардан милиция ходими бириктирилган. Бундан ташқари, посбонларнинг отда галла майдонларини кузатиб, назорат олиб боришлари йўлга қўйилди.

Халқимизда иш қуролинг соз бўлса, машаққатинг оз бўлар, деган мақол бор. Мавсум бошланишидан аввал вилоятдаги барча кишлоқ хўжалиги техникалари, транспорт воситалари техник кўриқдан ўтказилди. Ниҳоятда долзарб бўлган бу масалага панжа орасидан қараётган ташкилот ва хўжаликларнинг раҳбарлари ҳам топилди. Ма-

салан, Уйчи тумани “Бирлашган” ширкат хўжалигига қарашли, А.Тожибоев бошқарувидаги “ГАЗ-53” русумли автомашина, Чортоқ тумани “Ўзбекистон” ширкат хўжалигига қарашли “ГК-5” русумли комбайндан носоз ҳолда фойдаланилганлиги аниқланди. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Мавсумга тайёргарлик кўриш давомида аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли ташкилотларга тақдимномалар киритилди.

Шунингдек, дон ортилган транспорт воситалари омборларга бехатар етказилишини таъминлаш мақсадида 6427 километр масофадаги автомобиль йўллари назоратдан ўтказилди ва носоз жойлари таъмирланди. Йўлларга ҳаракатни тартибга солувчи белгилар ўрнатилди.

Куни кеча Мингбулоқ туманида ўтказилган вилоят семинарида ҳам мавсумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш давомида алоҳида эътибор берилиши лозим бўлган ус-тувор вазифалар, турли кўринишдаги ҳуқуқбузарликлар, талон-торожлик, ёнгин ҳолатларининг олдини олишга қаратилган зарурий чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Дилбар ТУРҒУНОВА,
милиция лейтенанти.



Косонсой тумани ИИБ ходими милиция катта лейтенанти Аҳмадjon Соттиев “Дўстлик” ширкат хўжалиги галлакорлари билан.

А. МАТКАРИМОВ олган сурат.

МАҚСАД – ҚОНУНЧИЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси ИИБ Ҳайъатининг навбатдаги мажлисида шахсий таркиб ўртасида қонунчилик ва хизмат интизомини мустаҳкамлаш масаласи муҳокама қилиниб, тегишли вазифалар белгиланган эди. Унга мувофиқ, республика ИИБ Тەرгов Бош бошқармаси бошқарма бош-

лиги, милиция подполковниги М.Каримов ва Ёнгин хавфсизлиги олий техник мактаби илмий тадқиқот, таҳририй нашриёт бўлими бош муҳаррири, ички хизмат подполковниги З.Неъматовлар Сурхондарё вилоятида бўлишди. Улар бошқарма раҳбарияти билан биргаликда вилоятдаги барча

бўлим ва хизматларда бўлиб, шаҳар-туман ички ишлар идоралари ходимлари, ҳарбий қисмларнинг хизматчилари билан учрашишди. Жонли мулоқотлар пайтида “Шахсий таркиб ўртасида қонунчиликни мустаҳкамлаш – шу куннинг долзарб вазифаси” мавзuida маъруза қилиб, ходим-

ларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтардилар.

Учрашувларда ички ишлар ходимлари ўртасида қонунчилик ва хизмат интизомини яхшилаш учун аввало улар билан олиб бориладиган яқка тартибдаги тарбиявий ишларни кучайтириш, ходимларнинг ҳуқуқий, сиёсий ва маънавий савиясини оши-

ришга эътиборни қаратиш, ички ишлар идоралари тизимида фаолият кўрсатаётган жамоатчилик ташкилотлари – Ахлоқ, одоб ва интизом судлари, Фахрийлар ва Хотинқизлар кенгашларининг фаолиятини янада яхшилаш лозимлиги таъкидланди.

С.НОРМУРДОВ,
милиция майори.

ҚАДАМИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН,

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Тошкент олий ҳарбий техник билим юртида бўлиб ўтган битирувчиларнинг навбатдаги тантанасида иштирок этганлар қалбида бир олам қувонч ва ғурур жўш урган бўлса ажаб эмас. Илмгоҳ раҳбарияти, профессор-ўқитувчилари курсантларга пухта билим беришлари билан тилга тушганлар. Шунингдек, ўтган йилларда бу билим

ОФИЦЕРЛАР!

юртини битириб, офицер лавозимига эришган кўплаб посбонларимиз Ватанимизнинг қаерида хизмат қилмасин ўз билими, касб маҳорати билан устозлар ишончини оқлаб келмоқдалар. Эгнидаги кийимлари яраш-

ган, улуғворлиги билан ота-оналари, яқинлари қалбида ғурур ва ифтихор туйғусини уйғотган кечаги курсантлар — бугун кўлига диплом олиб, елкасига лейтенантлик юлдузлари қадалган йигитларга билим юрти бош-


лиги, генерал-майор Ш. Ниёзов шундай деди:

— Ватани асл фарзандлар химоя қилади. Ўтган йиллар давомида билим юртини уч мингга яқин ҳақиқий ватанларвар йигитлар битириб, ҳозирда мустақил юртимиз осойишталиги йўлида бор куч-ғайратлари, билимларини сарфлаб, виждонан хизмат қилмоқдалар.

Билим юртини битириб, офицер деган шарафли номга эга бўлган азиз лейтенантлар, доимо ёдингизда тугин! Сизларга буюк мамлакатимизнинг келажаги ишониб топширилмоқда. Умид қиламизки, сиз бу ишончини ўз хизматингиз билан оқлайсиз.

Шундан сўнг билим юрти бошлигининг ўринбосари, полковник И. Эгамбердиев Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, ички хизмат генерал-полковниги З. Алматовнинг битирувчиларга лейтенант унвони бериш ҳақидаги буйруғини ўқиб эшиттирди.

Ёш офицерлар Ватани, халқи, Президентига содиқликка қасамёд қилди-



лар. Улар тўрт йиллик машаққатли ўқиш ва ҳарбий машғулотлар маҳсули диплом ва кўкрак нишонини устозлари кўлидан фахр билан олишди.

Битирувчиларни республика Ички ишлар вазирининг ўринбосари, милиция полковниги Х. Зокиров, республика ички ишлар идоралари фахрийларининг етакчиси, истеъфодаги милиция генерал-майори Ф. Раҳимов табриклаб, оқ йўл тилашди.

— Яшаржон билим юртини битирмоқда, — деди қувонч ёшларини яширмай ўзини Мунисхон Расулова деб таништирган наманганлик онахон. — Мана, беш ўғлим офицер

бўлди. Улар турли унвонларда, юрт осойишталиги йўлида ҳалол хизмат қилмоқда. Кенжатоим ҳам Ватан посбони бўлганидан фахрланаман.

Жанговар мусика садолари остида, сафда мағрур қадам ташлаётган ёш офицерларнинг бошлари узра оппоқ кабутарлар парвоз қилади. Улар халқ, Ватан хизматида отланаётган ўғлонларга оқ йўл тиламоқда гўё.

Мустақил қадамингиз қутлуғ бўлсин, ёш офицерлар!

Шаҳзода ХУДОЙБЕРДИЕВА.

Суратларда: тантанадан лавҳалар.

А. КЕНЖАЕВ олган суратлар.



Хизматларда

Профилактика инспекторларининг навбатдаги йиғилишида чегара ҳудудларида осойишталикни таъминлаш, турли қондабузарликларнинг олдини олиш борасидаги ишлар юзасидан суҳбатлашиб олдик.

ЧЕГАРА

ИШОНЧЛИ ҚЎЛЛАРДА

Бахмал туманидаги қишлоқларнинг кўп қисми чегара ҳудудларда жойлашган. Қирғизистоннинг Жалолобод вилояти ва Жалолобод шаҳри милиция идораларида рўй берган воқеалардан кейин бу жойларда назоратни янада кучайтирдик. Худудга ноқонуний кириб келиш, фуқаролиги бўлмаган шахсларни аниқлаш, ноқонуний қурол сақлаш, паспорт тизими қондаларига риоя этиш каби вазифалар асосий мақсад қилиб олинган. "Тозалаш", "Арсенал", "Чегара", "Паспорт" каби кенг қамровли тадбирлар ўтказилди. Ушбу тадбирларда вилоят ИИБ тегишли хизматларининг вакиллари иштирок этиб, бизга яқиндан ёрдам беришди.

Текширувлар давомида 11 нафар тожикистонлик фуқаро мамлакатимизга ноқонуний равишда кириб келгани, тўрт кишининг муқим яшаш жойига эга эмаслиги аниқланиб, худуддан чиқариб юборилди. Шунингдек, паспорт тизими қондаларини бузган фуқароларга ҳам тегишли чоралар кўрилди.

Маълумки, бизнинг соҳада профилактика инспекторларининг ўрни алоҳида аҳамиятга эга. Чунки, улар ўзлари хизмат қилаётган ҳудудларни яхши билишади. Шу боис худудни назорат қилишда кўпроқ уларга сўянамиз.

Чегара ҳудудларда фаолият кўрсатётган бешта милиция таянч пунктларида ходимларимиздан ташқари туман ҳокимлиги ва қишлоқ фуқаролар йиғинидан биттадан вакил кеча-кундуз навбатчилик қилишяпти. Мазкур мас-

канлар замонавий алоқа воситалари билан жиҳозланган.

Туманимизнинг асосий қисми тоғ бағрида жойлашгани учун юриш қийин бўлган жойларда отлардан кенг фойдаланилади. Иккита йўналишдаги отлик гуруҳ кундузи чегара олди қишлоқлар, сўқмоқлар, сойлик ва ўрмонларни айланиб юришади. Шу ўринда тоғбегиларнинг кўмаги салмоқли эканлигини ҳам айтиб ўтиш жоиз. Зеро, улар худуддаги ҳар бир дарахт, сой, тоғ-тошни яхши билишади.

Чегара яқинида жойлашган қишлоқ фуқаролар йиғинлари фаоллари билан ҳамжиҳатликда олиб борилаётган профилактик ишлар яхши самара берапти. Улар қишлоқларда бўлиб, аҳолига тинчлик, осойишталикни сақлашнинг аҳамияти, фуқароларнинг бу борадаги бурчи ҳақида тушунтириш ишлари олиб боришмоқда.

Бундан ташқари чегара ҳудудларни назорат қилувчи патруллар гуруҳлари ҳам тузилган. Қатор хизматлардан вакиллар ва хизмат итидан ташкил топган экипаж аъзолари тунда назорат қилишяпти.

Мазкур ҳудудларда фаоллик кўрсатётган милиция капитанлари Абдусаттор Қаршиев, Руслан Рисбоев, Анвар Хатамов каби профилактика инспекторлари номини тилга олиб ўтиш жоиз.

Файзулло МУҲАММАДИЕВ,
милиция майори,
Жиззах вилояти.

РЕСПУБЛИКАМИЗДА ЯГОНА

Республика ИИБ Илмий экспертиза портлаш техникаси марказий лабораторияси 1998 йилда ўз иш фаолиятини бошлаган.

Ўтган давр мобайнида Марказий лабораториянинг тажрибали экспертлари портлаш техникаси экспертизаларига тааллуқли тадқиқот ва кузатув ишлари олиб бормоқдалар. Улар қатор тезкор қидирув ва тергов ҳаракатларида қатнашиб, содир этилган жиноятларнинг очилишига муносиб ҳисса қўшишди.

Мамлакатимизда ушбу Марказий лаборатория ягона ҳисобланиб, республика Бош прокуратураси, Миллий хавфсизлик хизмати, Мудофаа вазирлиги, Божхона қўмитаси ва суд органлари томонидан чиқарилган қарорлар бўйича портлаш техникаси экспертизаларини амалга оширади.

Баҳарилаётган экспертиза хулосаларини юқори сифатда амалга оширишнинг таъминлаш мутахассисларнинг малакасига бевосита боғлиқдир. Шу сабабли Марказий лабораторияни юқори малакали мутахассис кадрлар билан таъминлаш борасида ҳам катта ишлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда бу ерда 3 нафар техника фанлари номзоди, 1 нафардан физика-математика ва кимё фанлари номзодлари фаолият кўрсатишади.

Ходимларимиз республикада ва чет элларда, жумладан, Америка Қўшма Штатлари Давлат департаменти ва Федерал қидирув бюроси ҳамда Германия Федератив Республикаси мутахассислари томонидан ташкил этилган бир неча

ўқув семинарлари ва курсларда иштирок этиб, халқаро андозадаги сертификатлар олишга муваффақ бўлишди.

Марказий лабораторияда илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини олиб бориш ҳам кенг йўлга қўйилган. Ходимлар томонидан портлаш қурилмаларини тешиш, ёесиш ва бураб ечиш имкониятларига эга бўлган робот техникаси мажмуа лойиҳаси ишлаб чиқилди ва яратилди. Бу робот техникаси мажмуасининг вазифаси портлаш қурилмаларини зарарсизлантириш ва ходимлар хавфсизлигини таъминлашдан иборат.

Ҳозирги кунда олиб борилаётган тажриба-конструкторлик ишлари қўлбола портловчи моддаларнинг портлаш хусусиятларини аниқлаш имконини берадиган асбоб-ускуналарни яратишга қаратилган. Бу борада бир қанча ишлар амалга оширилмоқда.

Республикаимизга баъзи фуқаролар томонидан саноатда ва қўлбола усулда тайёрланган турли хил портловчи модда ҳамда қурилмаларни олиб киришга

уринишлар давом этмоқда. Шуларни ҳисобга олган ҳолда вилоятларда ўқув-амалий машғулотлар олиб борилмоқда. Шунингдек, йўл-патруль хизмати ва транспорт милицияси ходимлари учун автомобиль, темир йўл транспортларини кўздан кечиришда портловчи моддаларни топишга қаратилган тадбирларнинг сифатли баҳарилиши ҳамда улар топилган ҳолларда кўрилиши лозим бўлган хавфсизлик чоралари бўйича ўқув машғулотлари ташкил этиляпти.

Ходимларимиз вақтли нашрларда ва тўпламларда ўз мақолалари билан ҳам иштирок этиб келмоқдалар. Жумладан, Марказий лаборатория бошлиғи, техника фанлари номзоди, милиция подполковниги Т. Турагаловнинг Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Тергов Бош бошқармаси томонидан 2002 йилда хизмат доирасида фойдаланиш учун чиқарилган китобидан муҳим мавзудаги мақоласи ўрин олган. Лабораторияни керакли асбоб-ускуналар, махсус жиҳозлар билан таъминланишига катта аҳамият берилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, қисқа вақт ичида Марказий лаборатория ходимларига вазирлигимиз томонидан зарур шарт-шароитлар яратиб берилиши бизларни янада шижоатли ишлашга ундайди.

Бахтиёр ШОЙҚУЛОВ,
милиция капитани.

22 июнь — Тиббиёт ходимлари куни

ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДА

Кейинги пайтда ва-зирлик тиббиёт муассасаларида катта ўзгаришлар қилинмоқда. Марказий госпиталдаги таъмирланган биноларда янги ташкил этилган кулоқ-томоқ-бурун, урология, травматология, кўз касалликлари, жар-роҳлик, беморларни қабул қилиш бўлимлари ишга туширилди. 2-даво-лаш бўлими эндокрино-логия ўринлари билан тўлдирилди.

Қорақалпоғистон Рес-публикаси ИИБ, Наман-ган ва Хоразм вилоятла-ри ИИБ тиббиёт хизмат-лари тиббиёт бўлимла-рига айлантилди. Ну-кус шаҳрида 35 ўринли соғломлаштириш мар-кази ташкил этилиб, бу-гунги кунда уни ишга ту-шириш чоралари кўри-лмоқда.

ИИБнинг республика

Санитария-эпидемио-логия хизмати ўрнида Санитария эпидемио-логия назорати Бош маркази ташкил этил-ди. Шундай марказлар вилоятларда ҳам фа-олият кўрсатмоқда.

Тиббий хизматни яна-да яхшилаш мақсадида вилоятлар ички ишлар идоралари ходимларига хизмат кўрсатиш учун кўшимча штатлар аж-ратилди. Ходимларнинг би-лимини мустаҳкамлаш, уларни тиббиёт соҳа-сидаги ўзгаришлардан бо-

хабар этиш мақсадида икки йилдан буён шифо-корларимиз ИИБ Акаде-мияси қошида малака оширмоқдалар. Ўтган йили ИИБ ЖИЭББ муас-сасалари ҳамда Ички ва Қоровул кўшинлари тиб-биёт бўлимларидан 10 нафардан шифокор шу ерга боришди. Бундан ташқари 8 киши респуб-лика Хирургия илмий Маркази ва бошқа илгор тиббиёт муассасаларида иш ўргандилар. Саломат-лик посбонлари Тош-кентдаги республика

шифокорлар малакаси-ни ошириш институтида касб маҳоратларини оширмоқдалар. Кадрлар тайёрлаш сифатини ях-шилаш борасида амалга оширилаётган тадбирлар натижасида поликлиника ва касалхоналарда иш-лаётган ходимларимиз-дан 19 нафари тиббиёт фанлари номзоди бўлди. Ўтган йилнинг ўзида олий ва биринчи тоифали шифокорлар сони 11 нафарга кўпай-ди. ИИБ Ички ва Қоро-вул кўшинлари ҳарбий

қисмларига хизматга ча-қирилган ёш аскарларни дастлабки тиббий кўри-дан ўтказишни такомил-лаштириш мақсадида бу ишга малакали мутахас-сисларни жалб этиш амалиётга киритилди. Бу эса ўз самарасини бер-моқда.

Ҳарбий хизматга чақи-рилганлар сафидан ка-саллиги туфайли хиз-матдан бўшатилаётган-лар сони кескин камай-ди. Ҳарбий хизматчилар-ни йилда икки марта профилактик тиббий кўриқдан ўтказишга та-лаб кучайтирилди.


ИИБ ЖИЭББ муасса-саларида тиббий-сани-тария таъминотини яна-да яхшилаш борасида Халқаро Қизил Хоч жами-яти мутахассислари би-лан ҳамкорликда турли тадбирлар белгиланиб, амалга оширилмоқда.

Муассасалар тиббиёт бўлимларига ажрати-лаётган маблағ йилдан-йилга ортиб бормоқда. Мутахассисларимиз мун-тазам равишда жойлар-га чиқиб, жазони ижро этиш муассасалари тиб-биёт бўлимларига ёрдам кўрсатмоқдалар. Натижа-да кўрсатилаётган даво-лаш-профилактика иш-ларининг сифати ва са-марадорлиги ортмоқда.

Мамлакатимиз тиб-биёт ходимларининг касб кунда ички ишлар ходимлари билан ёнма-ён туриб, эл тинчлиги ва саломатлиги йўлида фи-дойилик кўрсатаётган ҳамкасбларимизни тиб-биёт ходимлари куни билан самимий табрик-лайман.

С. ТОЛИПОВ,

ИИБ Тиббиёт бошқармаси бошлиғи, ички хизмат полковниги.



ИИБ Марказий шифо-хонаси кардиологи Раъно-хон Раҳмоновани респуб-лика ички ишлар идора-лари ходимларининг кўпчилиги танийди. Раъ-нохон ўз билими, хуш-муомалалиги билан бе-морлар дардига малҳам бўлишдан ташқари ёш-ларга иш ўргатишга ҳам вақт топади.

Раънохон истеъодли шифокор, у касбига му-ҳаббат ва ишга масъулият билан ёндашади.

Суратда: кардиолог Р. Раҳмонова (ўнгда) ёш ҳамшираларга иш ўргат-моқда.

А. КЕНЖАЕВ олган сурат.

ИНСОН САЛОМАТЛИГИ — БОШ МАСАЛА

Шифокорлик — шарафли касб. Шу соҳа ходимларининг фаолияти билан яқиндан танишиш мақсадида Қашқадарё вилояти ИИБ тиббиёт бўлими бошлиғи, ички хизмат капитани Бахтиёр Ғаниев билан суҳбатлашдик.

— Поликлиникамизда ҳуқуқ-тар-тибот идораларига ишга кираёт-ганларни тиббий кўриқдан ўтка-зиш яхши йўлга қўйилган. Бундан ташқари ҳуқуқ-тартибот ходимла-ри ва уларнинг оила аъзолари саломатлигини назорат қилиш, касалликларни аниқлаб, даволаш чораларини кўриш ҳам диққат марказида. Йил бошидан буён 41 киши ўз саломатлигини тиклади. Шунингдек, 11 фахрий, 23 нафар ходим оила аъзолари билан Тош-кентдаги "Чинобод", "Семурғ", "Турон", "Хумсон" ҳамда Самар-қанддаги "Зарафшон" сўхатгоҳла-рида дам олиб қайтдилар. Ички ишлар идоралари фахрийларига 338 минг сўмлик бепул дори-дар-монлар ажратдик.

Амалга оширилаётган ишларда

Марям Файзиёва, Гулбахор Мажи-дова, Шербўта Боймуродов, Эль-мира Ихсанова каби олий тоифа-ли шифокорларимиз ўз билим ва тажрибалари билан бошқаларга ўрнак бўлмоқдалар. Жорий йилда Қамаш туманида яшовчи истеъ-фодаги милиция капитани Нор-менгли Холтўраёвга ногиронлар аравачаси совға қилдик.

Вилоят ИИБ қошида шифохона ташкил этиш, ходимлар саломат-лигини мустаҳкамлаш ва уларга кўрсатилаётган тиббий хизмат са-марадорлигини янада оширишни режалаштирганмиз. Шунингдек, барча шифокорларни шаходатлаш ҳам кўзда тутилмоқда. Бундан ке-йин ҳам зиммамиздаги вазифалар-ни шараф билан уддалайверамиз.

А. МУРОДОВ ёзиб олди.



Татьяна Викторовна Бардина Термиздаги тиббиёт билим юр-тини битириб, наркология диспансерида ишлай бошлади. Би-лимдон ва тажрибали ҳамшира 1993 йилда вилоят ИИБ поли-клиникасига ишга ўтди. У ўз ишига масъулият билан ёндашиши, касбига қўйган меҳри туфайли ҳамкасблари орасида ҳурмат топ-ди. Татьяна Викторовнанинг фарзандлари ҳам она касбини тан-лаб, кам бўлаётганлари йўқ. Алёна ҳарбий қисмда ҳамшира, Ок-сана ИИБ поликлиникасида лаборант.

Н. СОБИРОВ.

Суратда: Т. Бардина беморни даволамоқда.

Э. ТУЛЯЕВ олган сурат.

ҒАМХЎРЛИК КЎРСАТИЛМОҚДА

Сирдарё вилояти ИИБ тиббиёт хизмати ходимлари шах-сий таркибининг соғлом бўлиши йўлида тинмай меҳнат қили-шяпти. Малакали шифокорлар турли касалликларнинг ол-дини олиш, хасталикларни дастлабки босқичидаёқ аниқ-лаш, даволаш муолажаларини самарали қўллаш бўйича жиддий ишлар олиб боришмоқда. Замонавий диагностика аппаратлари, физиотерапевтик ҳамда лаборатория жиҳоз-лари ёрдамида беморларни даволаш имконияти яратилган.

— Ҳозир дори-дармонларнинг нархи баланд. Буни ҳисобга олиб, иложи борича беморларга энгил-лик яратиш чораларини кўраям-из, — дейди вилоят ИИБ поли-клиникаси бошлиғи, ички хизмат лейтенанти Зокир Расулов. — Шу йилнинг февралда ходимлардан бири иш жойида хушини йўқот-ган. Бош мия қон томирлари анев-ризмаси ёрилиши сабабли мия-га қон қуйилган. У зудлик билан вилоят тез тиббий ёрдам кўрсат-иш марказига олиб борилди. Да-воланиш учун керакли барча дори-дармонлар ИИБ захираси-

дан ажратилди. Вилоят ИИБ по-ликлиникасида ходимларнинг хо-ҳиши, шароитига қараб кундузги шифохона фаолият юритяпти. Бун-дан ташқари касаллик турларига қараб, турли дам олиш ва соғлом-лаштириш масканларига йўллан-малар берилмоқда. Ўтган йили 600 нафарга яқин ходимлар шун-дай масканларда ўз саломатлиги-ни тиклаб қайтишди.

Ходимларнинг машаққатли хизмати, руҳий толиқиши эъти-борга олиниб, жойларда дам олиш хоналари ташкил этилган. Бу ерда хордик чиқариб, асабла-

рени тиклашади. Бугунги кунда айрим ёш ходимлар ўртасида ру-ҳий-неврологик касалликка мой-иллик кузатилмоқда. Бу уларнинг маънавий ва жисмоний чиниқма-ганлигидан гувоҳлик беради. Шу боис шифокорларимиз ҳар бир ходим билан нафақат соғлиғи, балки оилавий аҳволи, яшаш шароити билан ҳам қизиқадилар. Айниқса, янги ишга қабул қили-наётганларга ҳарбий-тиббий ҳайъатидан ўтишда қаттиқ талаб-лар қўйилиб, жиддий текшири-ляпти. Уларнинг саломатлигини аниқлаш, ташхисни тўғри қўйиш учун барча асбоб-ускуналар бор. Айни пайтда эндоскопия аппара-ти олиш ҳам режалаштирилган. Маълумки, баҳор, куз ойларида юқумли ва сурункали касаллик-ларнинг хуруж қилиши ва тарқ-алиши авж олади. Бунинг олдини олиш мақсадида жойлардаги ма-ҳаллий шифокорларга кўрсатма ҳамда йўриқлар юборилади. Мах-сус гуруҳлар ходимларни тиббий кўриқдан ўтказадилар. Ўз соҳаси-нинг етук билимдонлари — тера-певт-шифокор Нуржамол Исмои-лова, руҳий касалликлар шифоко-ри Гузал Ибрагимова, олий тои-фали стоматолог Толиб Қодиров-ларнинг хизматларини алоҳида таъкидлаш лозим. Шахсий таркиб ва уларнинг оила аъзолари ши-фокорларнинг ғамхўрлиги ва жонкуярлигидан мамнун.

М. ИБРОҲИМОВА.

Суратда: Сирдарё вилояти ИИБ поликлиникаси шифокори Н. Исмо-лова навбатдаги беморни қабул қилмоқда.



УСНИНСНИ «Поетга» gazetasing ilovasi

Таниqli kishilar bilan uchrashuv, hajviya, xandalar, krossvord, skanvord, munajjmlar bashorati, hayratomuz voqealar, sport yangiliklari, internet xabarlarini + TV OLAM

Гаройибот

(Охири. Боши ўтган сонларда.)

Газетамизнинг олдинги сонларида "АиФ" мухбири филиппинлик жарроҳнинг тифсиз операцияларида иштирок этгани ҳақида ҳикоя қилган эдик. Қуйида журналист ўз устида амалга оширилган операция тўғрисида ҳикоя қилади.

"Табиб мени кўздан кечириб, москвалик шифокорлар бир ой деганда аниқлаган ташхисни қўйди: "Сенинг қаршилиқ қобилятинг пасайиб кетган. Тез-тез шамоллайсан. Аниқ ваъда бермайману, аммо бирор нарса қилишга уриниб кўраман", - деди.

Қолган воқеалар худди кечагидек ривожланди: хилер транс ҳолатига тушди, узундан-узок дуо ўқиди, табибнинг бармоқлари остида - кўкрагимда олчаранг қон қоплаган жароҳат пайдо бўлди. Аммо танимга бармоқ теккани сезилмасди. Фақат кучсизгина электр токи урганга ўхшарди. Астрал майдондан чиққач бир дақиқалардан сўнг Фиорентино тосга бир неча қизғиш плёнкалар ташлаб: "Бўлди. Мен ортиқча хужайраларингни олиб ташладим. Энди овқатланиш тарзингни ўзгартиришинг керак. Нотўғри овқатланишинг оқибатида қаршилиқ қобилятинг ҳеч ўнгланолмапти. Мана кўрасан, насиб бўлса, кузга бориб соғлигинг тикланади", - деди.

Қон юқини тоза сочқа артиб, эҳтиёткорлик билан елим қопчага солаётганимни кўриб Рино кинояли кулимсираб қўшиб қўйди: "Ҳа, таҳлил қилишлари учун бермоқчимисан? Бажонидил. Мабодо қон сеники бўлмаса, мени фирибгар деб ёзавер, қарши эмасман. Чунки хилерларнинг орасида алдоқчилари ҳам тикилиб ётибди".

ФИРИБГАРЛАР 10 БАРОБАР КЎП

"Филиппин хилерлар уюшмаси" Бош котиби Мелвин Сальвиор сохта хилерлар ҳақиқийларидан 10 баробар кўплигини яширмайди.

- Багио шахрининг ўзида ҳам кўплаб замонавий офисларга кўзингиз тушади. Уларда қим-

матбаҳо костюм-шим кийган хилерлар ўтиришади. Улар ҳар бир маслаҳати учун сиздан 150 АҚШ доллари олишади, - дея ҳикоя қилади Мелвин. - "Операция" қуйидаги тахлитда ўтказила-

сангиз, ҳатто бир АҚШ доллари бўлса ҳам, миннатдорчилик билан қабул қилишади.

Бу борада сизга учта маслаҳат бераман. Биринчиси - агар хилер дарҳол катта пул талаб қилиб, ҳар қандай касалликни даволашини айтса, билингни, қаршингизда сохта табиб турибди, индамай орқангизга бурилиб кетаверинг. Иккинчиси - операциядан сўнг чиққан қонни Маниладаги лабораторияга таҳлилга топширингизни шарт қилиб қўйинг. Сайёҳларни алдовчиларга нисбатан

Улар энг оғир, мураккаб хасталикларни наркосиз, оғриқсиз даволашади! Кўз кўриб, қулоқ эшитмаган натижалар! Бир муолажа сеанси 100 АҚШ доллари (камида 10 сеанс) мазмунидаги кўплаб эълонларга кўзим тушади. Филиппинда 10 кун бўлишингиз у ёқ-бу ёғи 4000 АҚШ доллари-га тўғри келади.

Албатта, фақат ўз фойдасини ўйлайдиган сайёҳлик фирмалари хилерлар саратон хасталигининг сўнги босқичини бошидан кечираётган, шунингдек ошқозон яраси каби сурункали хас-

уларни қизиқтирмайди. Шунинг учун ҳам Филиппинга сўнги илинж билан келган айрим ишонувчан беморлар шу ерда вафот этишади. Улар юртларига тобутларда юборилади.

- Биз шу пайтгача хилерлар бирор-бир беморни мўъжизакорона, бутунлай даволаб юборгани ҳақида эшитмадик, - дейишди менга Маниладаги Россия элчихонаси ходимлари. - Аксинча, фожиали ҳолатлар бўлган. Масалан, икки бемор "тифсиз жарроҳ"-дан шифо топгани келишди. Иккинчи сеансга

ларни жалб этишга фирибгарларча уринишдан бошқа нарса эмас. Этиборингиз учун айтиб қўяйлик: хилерлик Филиппин ҳукумати томонидан расман тан олинмаган. Демак, хилернинг қабулига боришингиз хусусий табибга қатнашингиз билан баробардир. Яъни ҳеч қандай кафолатдан умид қилманг.

ҚОН ТАҲЛИЛИ

Хилерлар орасида ҳамёнингизни қоқлаш илинжида бўлган алдамчисини аниқлаш осон. Лисон оролиликлар сиз ўйлаганчалик аҳмоқ эмас. Улар дастлабки ташрифларидан сўнг ўзларида яхши томонга ўзгариш сезмасалар, қайтиб у хилернинг қабулига бормай қўйишади. Шу сабабли тифсиз жарроҳга мурожаат қиладиган бўлсангиз, қишлоқдошлари, тева-рак-атрофдагилар қатнайдиган хилерни танланг.

Мен вилоятдаги тўрт хилернинг операцияларида қатнашдим. Улар мендан бирор тийин ҳам олишгани йўқ. Табиатан ўта гумончи бўлсам-да, баъзи нарсаларга ақлим етмади. Биринчиси - хилер қандай қилиб қайнаб турган ёққа қўлини ботирди. Мижозлар ҳам уларнинг жароҳати ўрнини ёғлашганда безовта бўлишмайди. Иккинчидан - нега бир ярим яшар болақай (уни гипноз қилиб ёки атайдан ўргатиб бўлмайди) унинг яра чиққан чаккасини хилер босганида чинқириб йиғламади, аксинча кулди. Бу саволларга ҳали-ҳануз тайинли жавоб топганим йўқ. Айнан шу сабабли хилерлар фирибгар деб ёки ростакан авлиё деб тўлиқ ишонч билан айта олмайман.

... Москвага келишим билан биринчи бўлиб қон юқи қотиб қолган сочиғимни уйим яқинидаги поликлиникага таҳлил учун топширдим. Кута-кута яқинда аниқ жавоб олдим - қон менинг гуруҳимга мансуб эди... Бунисиға нима дейсиз?"

Хорж матбуоти материаллари асосида тайёрланди.

ТИФСИЗ ЖАРРОҲЛИК



ди. Сохта хилер қон тўлдирилган митти ампулани сизга кўрсатмасдан пахта тампоннинг орасига қўяди. Тампонни босишингиз билан ампула синиб, қон пайдо бўлади. "Хилер" мижознинг ичидан олиб чиқадиған гўшт парчасини олдиндан тайёрлаб қўйган бўлади. Қолган "мўъжизалар" ҳам чаққон қўл ҳаракати орқали амалга оширилади. Бунақа "хилер"лар одатда сизга бир қарашлари билан 10-15 марта операция қилишга тўғри келишини айтишади. Шунинг учун яна бир марта такрорлайман - ҳақиқий табиблар сизни кўздан кечиргани, муолажа қилгани учун пул талаб қилишмайди. Шифо топганингиздан сўнг ўзингиз кўнглингиздан чиқариб қанча бер-

бизнинг қонунари-миз шафқатсиздир. Сохта хилер бунга яхши билади ва кўрқади. Учинчиси - мабодо "шифокор" ўзидан бирор дори харид қилишингизни сўраса, шошманг. Аввал дорихоналарга қараб кўринг. Агар "хилер" у ерда бор дорини эллик баробар қимматга пуллашга уринса, ҳайрон бўлманг.

САЙЁҲЛИК ФИРМАЛАРИНИНГ НАЙРАНГИ

Газета саҳифасидаги рекламаларга кўз югуртирдим: "Филиппинлик хилерлар - дунёдаги энг яхши мутахассислар!

та-лик-ларга ча-лингган беморларни умуман қабул қилмасликларини ҳеч қачон ёзишмайди! Бронхит, гриппга ўхшаган жиддий шамоллаш касалликларини деярли даволай олмасликларини, катта без (шиш)ларни йўқота олмасликларини ҳам. Бу

ет-масдан ик-каласи ҳам вафот этишди. То қариндошлари мурдаларни Россияга жўнатиш харажатлари учун пул топишгунича улар элчихонанинг ўлик-хонасида бир неча ой ётишди! Бизнингча, хилерларни жуда ошириб реклама қилиш сайёҳ-

Гайритабиий воқеалар

КЎЛ «ХЎЖАЙИНИ»

Миттигина Пембина шаҳарчаси Миннесота штатининг (АҚШ) бир бурчагида жойлашган. Маҳаллий аҳоли бу жойни мамлакатдаги энг совуқ ер деб билишади. Саргузашт ишқибози Гарри Холл анчадан буён бу шаҳарчага бормоқчи бўлиб юрарди. Сабаби Пембинада кўз кўриб, қулоқ эшитмаган мўъжизалар юз бериши, физика қонунлари баъзан ўз кучини йўқотиши ҳақида кўп бора эшитганди. Ниҳоят 2002 йил октябрида у ниятига етди.

Холл шаҳарчага қош қорайганда кириб келди. Бўм-бўш кўчаларда этни жунжиктирадиган сукунат ҳукмрон эди. Аҳолиси бор-йўғи 600 кишининг нари-бериси бўлган шаҳарчада меҳмонхона йўқ бўлган учун Гарри новвой Алекс Уорренниқиди турадиган бўлди.

Шаҳарчани сертепа прериядан доимий эсадиган шамоллардан махсус барпо қилинган арча қатори тўсиб турарди. Гарри уй эгаси бемаҳалда борма деб қаршилиқ қилганига қарамай прерияни томоша қилгани чикди. Арчазордан ўтди. Сертепа саҳрода милт этган чироқ кўринмас, атроф зимзиё эди. Гарри ўзини ёлғиз ҳис қилди. Юраги увишди. "Ҳа, ёқимсиз жой экан", - ўйлади у.

Бундан ўн минг йил муқаддам прерия ўрнида улкан кўл бўлган экан. Унинг юзаси Буюк кўллардан ҳам кенгроқ майдонни эгаллаган. Кейин иклим ўзгариб, музлик чекинган. Кўлнинг суви қуриган. Унинг қирғоқлари-

гина тепасимон бўлиб кўзга ташланиб туради. 1980 йилда маҳаллий аҳоли вакили қирғоқдан қадимги кема қолдиғини топиб олди. Кема четига ғалати белгилар ўйиб ёзилган эди. Топилгани музейга олиб кетишди. Бу воқеа ҳақида Холл Пембинага келишдан олдинроқ эшитган эди.

Гарри ўша кемани топган қария - Рори Блейк билан танишди. Мўйсафид айёрони кулимсираб янги муҳлисига 20 йил олдин ўзининг кема ёнида тушган сурати босилган газетани кўрсатиб мақтанди. Ўшандан буён Блейк маҳаллий доирада машҳур бўлиб кетган эди. Шаҳарчага келган ҳар бир сайёҳ ундан топилма ҳақида бутун тафсилотлари билан сўраб-суриштирарди.

Холл қариядан кема топилган жойга бошлаб боришини сўради. Рори аввалига тихирлик қилди. Аммо кўк, шилдироқ "қоғоз"ларни кўргач рози бўлди.

Эртасига йўлга чиқишди. Прерия оралаб юриш керак эди. Гарри чол елкасига милтиқ осиб олганини кўриб ҳайрон бўлди.

- Ҳар эҳтимолга қарши, - дея изоҳ берди йўл бошловчи. - Кўл хўжайини бегоналарни ёқтирмайди. Эсингда тут. Фақат сўқмоқ бўйлаб юрамиз. Четга чиқиш жуда хатарли!

- Кўл хўжайини деганингиз ким? - меҳмон ҳайрон бўлди. Аммо қария жавоб беришни лозим кўрмади.

Ҳавонинг авзойи бузук эди. Манзиллари - тепаликлар узокдан кўриниб турарди. Йўловчилар жим кети-

шарди: Блейк олдинда, Холл ўн қадамча орқароқда. Ярим соатлардан кейин Гаррига кимдир отини айтиб чақиргандай туюлди. Ўгирилиб қараса, ҳеч ким кўринмади. То аланглагунча чол анча узоқлашиб кетган эди. Гарри йўл бошловчига етиб олмоқчи бўлди, аммо негандир мадори қуриди. Шу пайт уни яна кимдир чақиргандай бўлди. Холл ортига қараса, сўқмоқдан нарироқда қип яланғоч бир қиз турарди. Унинг узун, ёйилган сочлари кўксига тушган... Бўйнида тилласимон занжир. Қиз уни кўли билан имлаб чақирарди. Гарри қариянинг ўгитларини унутиб у томон юрди.

Қиз бўлса қоча бошлади. Холл уни қувишга тушди. Қизик, қадами энгил, танаси гўё учарди. Оғирлик, тортишиш кучи камайгандек. Хаёлидан физика қонунларининг бузилиши шу бўлса керак, деган ўй ўтди.

Шу пайт нимадир қарсиллади. Ёнидан чийиллаб ўқ учиб ўтди. Қараса, қария сўқмоқда турар, нимадир деб бақирар, унинг кўлидаги милтиқнинг нилдан тутун чиқарди. Қиз гўё ҳавога сингиб кетгандек ғойиб бўлди. Гарри сўқмоқ томон юрди. Энди унинг оёқлари зил-зимбил эди. Гўё оғирлик, тортишиш кучи бир неча баробар ошганга ўхшарди. Аммо сўқмоққа яқинлашган сайин қадам олиш осонлашарди.

Гарри қариянинг ёнига етиб келгач ҳолсизланиб ўзини таппа ерга ташлади.



Рори унга вискилик флягани узатиб бақирди:

- Аҳмоқ, нима қиялпсан ўзи? Сенга айтгандим-ку сўқмоқдан четлашма деб. Сени кўл хўжайини авради.

- Қиз қаёққа ғойиб бўлди, қиз?

- Ҳеч қанақа қиз йўқ. Бу шарпа эди, холос.

Гаррининг кўл-оёғи қалтирар, сафарини давом эттиришга юраги дов бермасди. Аммо кўрқоқлигини тан олишдан уялди. Саёхатнинг қолган қисми ортиқча саргузаштсиз ўтди.

Тепаликкача тез етиб олишди. Қадимий кема топилган жойга археологлар мрамар лавҳа ўрнатишган эди. Унинг олдида эсдалик учун суратга тушишди. Кейин изларига қайтишди. Энди Гарри олдинда, қария орқада борарди. Арчазор-

дан ўтишгач Холл соатига қараб ҳайрон қолди. Боришга бир соат, қайтишга эса уч соат кетганди. Бундай бўлиши мумкин эмас эди. Чунки Гарри қизнинг ортидан камида ярим соат сарсон бўлди. Қайтишда эса тез юришди. Чол яна айёрони кулимсираб: "Буларнинг ҳаммаси кўл "хўжайини"нинг найранглари", - деди.

Холл ўзи ижарада турган уй эгасига бошидан кечирганларини айтиб берди. Уоррен асло ҳайрон бўлмади:

- Пембиналиклар у ёқларга боришмайди, - деди у. - Ҳатто шаҳар ҳам хатардан холи эмас. Кўшнимиз божхонада ишлаб яқинда истеъфога чиққан эди. Унинг ўлигини ўша тепаликлар олдиндан топишди. Марҳумнинг кўзлари даҳшатдан


чақчайиб қотиб қолган эди. Танасида ҳеч қандай жароҳат изи йўқ, шунчаки юраги тўсатдан уришдан тўхтаганди. Ваҳоланки истеъфога чиқиш олдиндан тиббий кўрикдан ўтганида юрагини сопла-соғ деб топишган. Шунда одамлар ундан кўл хўжайини ўч олган, деган тўхтамага келишди.

Шаҳарча аҳлининг айтишича, қайиқни қазиб олиш, музейга топширишнинг кераги йўқ экан. Кўл хўжайини ҳақидаги ривоятлар пембиналикларга сиу қабиласидан ўтган. Бу ҳинду қабиласи мазкур жойда қадимдан яшаб келган. Кексалар шунингдек йилда бир марта - барча авлиёлар кунни бўлган Хэллоунда кўринмас махлуқ шаҳарга келиб кўчада учраган кишини ўлдирарди, деб ишониларди. Шунинг учун шу кунни ҳамма кўчага чиққани кўрқиб уй-уйларида ўтиришади.

Беш йил бурун шу кунни Алекснинг беш яшар невараси ҳалок бўлган. У йўлга югуриб чиққанида шерфининг автомобили тагида қолган. Шундан сўнг шериф истеъфога чиққан.

Имкони бўлган одам борки, бу ердан кўчиб кетяпти. Ҳатто итлар ҳам ўз эгаларини тарк этишяпти.

Хэллоунга беш кун қолган эди. Гарри шу кунни ҳам Пембинада ўтказиб илм-техника тараққий этган даврда ирим-сиримларга берилиш ярамаслигини маҳаллий аҳолига исботламоқчи бўлди. Аммо авлиёлар кунни арафасида эртасига қадрдон дўстининг турғилган санаси эканини "эслади". Гарри машинасига ўтириб жўнаб қолди. Тўғри қилди. Акс ҳолда дўсти "хафа бўлиши" мумкин эди-да.



ЛАДАКХ

ЎЛИМ ВОДИЙСИ

Ҳиндистондаги Ладакх деган жой ва АҚШнинг Калифорния штатидаги Ўлим водийси бир-бирига жуда ўхшаб кетади. Ҳар иккаласи ҳам сайёҳлар эътиборини тортиб келяпти.

Ўлим водийси дунёда энг қурғоқ ва иссиқ ер бўлиб, денгиз сатҳидан пастда жойлашган. Бу жойда ҳаракатланиб турувчи тошлар бор. Улкан харсанглар вақти-вақти билан сирли равишда ўз жойини ўзгартириб туради.

Ладакх эса дунёдаги энг баланд жойлардан бирidir. Унинг ҳавоси мусаффо. Кўплар бу жойни Шамбала, яъни "мўъжазгина Тибет" деб аташади. Бир пайтлар Тибет, Ўрта Осиё ва жануб денгизлари мамлакатларини бирлаштириб турган карвон йўли шу ердан ўтган. Аммо кейинроқ кўп вақт у дунёдан узилиб қолди. Ҳамма томондан Ҳимолай тизмалари ўраб турган Ладакхнинг аксар қисми кимсасиз саҳродан иборат. Бу ердаги тошлар ҳам вақти-вақти

билан жойини ўзгартириб туради. Олти ойга чўзиладиган қишда қирқ даражагача совуқ бўлади. Жазирама ёзда эса ҳарорат +37 даражагача кўтарилади. Бу Ўлим водийсидаги иссиқдан жиндак пастроқ, холос.

Асрлар давомида сайёҳлар Ладакхни турлича тасвирлашган. Баъзилар уни табассум мамлақати деб аташган. Чунки маҳаллий халқ уларни очик чехра, табассум билан қаршилаган. Бошқалар эса шарпалар, арвоҳлар мамлақати дейишади. Уларнинг

фикрича, бу ерда сеҳр-жоду билан шуғулланиш кенг тарқалган. Одамлар тез-тез ёвуз руҳларни хайдаш учун шаманларга мурожаат қилишади. Қаландарлар эса келажақни башорат қилишади. Ладакхликлар турли ирқларнинг чатишишидан келиб чиққан.

Қадимий китобларда, йилнома-ларда осмондан тушган қайноқ тошлар, тартибсиз ҳаракатланувчи юлдузлар ҳақида кўплаб қайдларга дуч келиш мумкин. Йўлдан адашган ёки бошқа қийин вазиятларга тушиб қолган

йўловчилар кўп бора оқ сочли сирли мавжудотларга дуч келишган. Бу махлуқлар аксар ҳолларда ўзларини маҳаллий халқ вакили деб таништиришади. Аммо афт-ангоридан, ёнида сув идиши (флягаси)дан бошқа анжомлари йўқлигидан уларни билиб олиш мумкин. Туб жой аҳолиси уларни келгиндилар деб аташади.

Аммо сирли оқ сочли кимсалардан бошқа ғаройиб мавжудотлар ҳам бор. Уларнинг бир тоифаси бор-йўғи 10 сантиметр келади. Сув одами - алвасти ҳақидаги миш-мишлар-чи? Вақти-вақти билан тунда ёки тонготар чоғи тоғ этагида чўққайиб, чўққиларга тикилиб ўтирган кишига дуч келишингиз мумкин. Унинг юзи бўздек оппоқ. Алвастилар одамлар билан мулоқотга киришмайди. Бордию биров уларга жуда яқин борса, атрофларини қалин туман билан ўраб, унга сингиб кетишади.

Бу худудда НУЖлар пайдо

бўлиб туриши ҳақида ҳам анчагина маълумотлар тўпланган. Айниқса, XX асрда бундай ҳодиса кўпроқ қайд этилди. Самонинг гоҳ у, гоҳ бу ерида ярқироқ жисмлар пайдо бўлиб туради. Хусусан, ғилдираксимон НУЖлар тез-тез кўзга ташланади. Улар қиш мавсумида, бўрон пайти ерга жуда яқин келишади, тоғлар, қишлоқлар узра кучли ёриткичлар янглиғ нур сочиб, парвоз қилишади. Маҳаллий қариялар иккинчи жаҳон уруши охирида Ламаюра роҳибхонаси яқинига НУЖ кўнгани, ундан пакана одамлар тушганини пичирлаб ҳикоя қилишади.

Кечаси соат учларда кўплаб болғачаларнинг тошга урилганига ўхшаш овозлар эшитилишини қандай изоҳлаш мумкин? Бунга нафақат шу ерликлар, балки сайёҳлар ҳам гувоҳ бўлишган. Хуллас, Ладакхнинг табиати, тарихи, бу ерда юз берадиган ажабтоғур ҳодисаларни чуқур илмий ўрганиш пайти аллақачон келди.

Хориж матбуоти материаллари асосида тайёрланди.

ЧОРШАНБА, 25

ЎзТВ - I

6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" 8.00-8.35 "Ахборот". 8.35 ТВ маркет. 8.40 Газеталар шарҳи. 9.00 "Рангин дунё". 9.20 "Шарҳ тароналари". 9.40 "Соғлом она - соғлом бола". 10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР. 10.05 "Тафсилот". 10.25 "Мимино". Бадий фильм. 11.55 ТВ анонс. 12.05 "Баркамол авлод орзуси". 12.25 "Сим-Сала". Мультсериал. 12.50 "Балли, раислар!" Телелюбисуба. 13.40 "Истеъмолчи". 14.10 Кураш бўйича Ўзбекистон чемпионати. 14.35 Кундузги сеанс: "Осмондан тушган мерос". Бадий фильм. 15.55 "Ягона оилада". 16.25 "Камила". Телесериал. Ёғи таътил кунларида. "Болалар сайёраси". 16.55 1. "Цирк, цирк, цирк!". 2. "Ёдном". 17.45 "Хунарманд". 18.10 "Ўзбектелефильм" намоиши: Болалар спорти: "Ёшлик шижоати - ҳамнафас байрам". 18.30 "Умид". Телелотерея. 18.55 "Таянч нуқтаси". 19.15 Бир жуфт кўшик. 19.25, 19.55, 20.25, 21.00 ЭЪЛОНЛАР. 19.30 "Ахборот" (рус тилида) 20.00 Оқшом эртақлари. 20.15 "Юзма-юз". 20.30 "Ахборот". 21.05 ТВ клип. 21.15 "Аср муаммоси". 21.55 "Ўзбектеlevision" каналида илк маротаба: "Камила". Телесериал. 22.25 "Журналист тахлили". 22.45 "Тақдиринг қўлингизда". Бадий фильм. 23.55 "Ахборот-дайжест". 00.15-00.20 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ - II

6.55 Кўрсатувлар дастури./ 7.00 "Мунаввар тунг". Информацион-дам олиш дастури. 9.00 Давр. 9.15 "Давр" - интервью. 9.30 ТВ - анонс. 9.35 Тонгги сериал: "Виждон" 14-қисм. 10.25 "Янги авлод" студияси: Дунё ва болалар. 10.45 Таянч. 11.05 "Гадалупе". Телесериал. 11.45 Ёшлар овози. 12.05 "Дарбадарлик". Бадий фильм 2-қисм. 12.55 ТВ-анонс. 13.00 Давр. 13.10 Ёғи таътил экранни: "Самовий саргузаштлар" 6-қисм. 13.35 Минг бир маслаҳат. 13.55 "Ақдан оздирадиган ўйинлар". Сериал. 14.20 Узимизники. 14.30 "Ёшлар" телеканалда спорт дастури: 1 Нокаут, 2 Теннис. 15.35 Автопарул. 15.55 "Ҳақиқат чегараси". Сериал. 16.20 Кафолат. 16.40 Болалар спорти: "Умидли ўсмирлар" ("Ўзбек телефильм") 17.10 ТВ - анонс. 17.15 Ёғи сирлари. 17.25 Кўрсатувлар дастури. 17.30 "Янги авлод" студияси: Оқ кабутар. 17.50 Огоҳлик давр талаби. 18.05 Мураббий. 18.20 Ёшлар овози. 18.40 Каталог. 18.50 Олтин мерос. 18.55, 21.55 Икким. 19.00 Давр. 19.35 "Зинама-зина" телеўйини. 20.00 Спорт - лото. 20.10 Муслик лаҳзалар. 20.20 Чемпион сирлари. 20.20, 21.25, 22.35 Эълонлар. 20.45 "Гадалупе". Телесериал. 21.30 Ёшлар камоли - юрт камоли. 21.50 Олтин мерос. 22.00 Давр. 22.40 ТВ-анонс ва тунги тароналар. 22.45 "Ғаройиб ходиса". Бадий фильм. 23.45 "Ёшлар" телеканалда спорт дастури: Интерфутбол. 1.25 - 1.30 Хайрли тун.

ЎзТВ - III

17.10 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТТВда сериал. "Муҳаббат рихтаси". 18.05, 21.00 "Экспресс" телегазетаси. 18.10 "Билим" телеклуби. 18.30, 20.00, 21.25, 22.20 "Пойтахт". Ахборот дастури. 18.50 "Муслик мяхмонхона". 19.15 ТТВда сериал. "Айрилик азоби". 20.25 "Табриклимиз-кутлаймиз". 21.05 ТТВда сериал. "Гинес-шоу". 21.45 "Долзарб мавзу". 22.00 "Аёл қалби". 22.45 Киноингоҳ. "Ажойиб киз". 00.20-00.25 Хайрли тун, шахрим.

ЎзТВ - IV

Биринчи канал. 7.00-8.00. ЎзТВ - IV. 16.30 Кўрсатувлар тартиби. 16.35 "Вести". 16.50 "Жонли табиат". 17.05 "Евроњьюс" янгиликлари. Биринчи канал. 17.25 Е. Петросянинннг Кулгу панорамаси. 18.00 "Ишонч ва муҳаббат замини". Сериал. 19.00 "Заиф бўгин". 20.00 "Время". 20.40 "Бешинчи бурчак". Сериал.

ЎзТВ - IV

16.30 Кўрсатувлар тартиби. 16.35 "Вести". 16.50 "Жонли табиат". 17.05 "Евроњьюс" янгиликлари. Биринчи канал. 17.25 Е. Петросянинннг Кулгу панорамаси. 18.00 "Ишонч ва муҳаббат замини". Сериал. 19.00 "Заиф бўгин". 20.00 "Время". 20.40 "Бешинчи бурчак". Сериал. ЎзТВ - IV. 21.45 "Бизнес-рево". 21.50 "Юкори технологиялар олами". 22.00 "Хинд оханглари". 22.20 "Спорт технологияси". 22.40 "Ахборот" (рус тилида) 23.10 "Оқ туфун". Бадий фильм. 1.10 "Тунингиз осуда бўлсин!"

30-канал

Сирдарё тумани ИИБда хизмат вазифасини бажариш вақтида ҳалок бўлганлар хотирасига бағишланган спортнинг таэквандо тури бўйича мусобақа ўтказилди.

Суратда: туман ИИБ бошлиғининг ўринбосари, милиция капитани А. Усмонов ғолибларга мукофотларни топширмоқда.

Избоскан тумани ички ишлар бўлими "Динамо" спорт-соғломлаштириш клуби қошида ташкил этилган "Динамо-АДУ" волейбол жамоаси асосан ИИБ ходимлари ҳамда Андижон Давлат университети талабаларидан иборат. Спортчилар ўтган йили республика олий табақа жамоалари ўртасидаги ўйинларни кўтаринки руҳда ўтказиб, 4-ўринни қўлга киритган эди. Ҳалабани янада мустаҳкамлаш мақсадида аниқ ҳаракатлар олиб борган избосканликлар 2003 йилги супер лиганинг Тошкент, Олмалик, Самарқанд, Андижон шаҳарларида бўлиб ўтган давра ўйинларида муваффақи-

ятли қатнашиб, 3-ўринга сазовор бўлишди.

Чакқон ҳаракатлари, юқори ўйин услублари билан кўплаб мухлислар олқишига сазовор бўлган туман ИИБ ЖК ва ТҚБ катта тезкор вакили, милиция капитани Хусанбой Мамадиев, шу бўлима тезкор вакили, милиция катта лейтенанти Баҳром Ўринбоев, ВЕН катта инспектори, милиция лейтенанти Сафарали Йўлдошев, ВЕН инспектори, милиция лейтенанти Рустам Сулаймоновларнинг маҳоратини алоҳида таъкидлаш зарур.

Ғолибларни тақдирлаш маросимида республика волейбол федерацияси раиси Л. Айропетянц, Андижон вилояти ҳокимининг ўрин-



босари Р. Тиллабоев, Ўзбекистон телевидениеси спорт эшиттиришлари муҳаррири Р. Умаровлар жамоани ғалаба билан табриқлашди. Шундан сўнг спортчиларга волейбол бўйича Ўзбекистон миллий чемпионатининг бронза медаллари ҳамда қимматбаҳо совғалари топширилди.

А. БУЗРУКОВ.
Суратда: "Динамо АДУ" жамоаси аъзолари.

ПЕШҚАДАМЛАР ИЛГАРИЛАБ КЕТМОҚДА

Футбол бўйича ўн иккинчи марта ўтказилаётган мамлакат биринчилигининг олий лигасида иштирок этаётган жамоалар навбатдаги тур беллашувларини ўтказишди. Ушбу турда мусобақа жадвалининг энг юқори погонасида турган тўртта жамоа ўзаро куч синашди. Айнаман шу ўйинларни турнинг марказий учрашувлари, деб эътироф этиш мумкин.

Турнир пешқадами "Пахтакор" учинчи ўринда бораётган "Қизилқум" билан меҳмонда куч синашди. Зарафшонликлар ўз уйларидаги учрашувларда фақат "Нефтчи"га мағлуб бўлганди. "Пахтакор" билан бўлган баҳсда ҳам "Қизилқум" меҳмонларга жиддий қаршилик кўрсатолмади. Ўйиннинг иккинчи дақиқасидаёқ А.Крохмаль ҳисобни очиб, "Пахтакор"ни олдинга олиб чиқди. Биринчи бўлимда А.Николаев собиқ жамоаси дарвозасига иккинчи тўпни киритди. Учрашувнинг иккинчи ярмида А.Крохмаль мавсумдаги бешинчи голини урди. Шу голдан сўнг пахтакорчилар бироз хотиржамликка берилишди чоғи, М.Идиатуллин дастлабки жавоб тўпини киритди. Орадан бир дақиқа ўтиб "Пахтакор"нинг ёш ҳужумчиси М.Бикмаев ҳисобдаги фарқни яна учтага етказди. Ўйин тугашига ўн дақиқа қолганда Куз-

нецов мезбонларнинг иккинчи голига муаллифлик қилди. Ушбу учрашув 2:4 ҳисобда пахтакорчилар фойдасига ҳал бўлди.

"Қизилқум"нинг бу мағлубиятидан "Насаф" унумли фойдаланиб қолиши мумкин эди. Бироқ бунинг учун қашқадарёликлардан Фарғонада "Нефтчи"ни энгиш талаб этиларди. "Нефтчи" эса Ўзбекистон кубоги баҳсларидаги мағлубият учун "Насаф" билан ўзаро ҳисобкитобни тўғрилаб қўйиши қутилганди. Учрашувда мезбонлар ташаббусни ўз қўлига олиш учун анча тер тўқди. Фарғоналикларнинг кетма-кет хавфли ҳужумлари "Насаф" ҳимоячилари ва маҳоратли дарвозабони П.Гизимчук томонидан бартараф этилди.

Ҳисоб учрашувнинг иккинчи бўлимида очилди. Ушбу мавсум тўпурақлари баҳсида пешқадамлик қилаётган А.Бердиев 54-дақиқада мавсумдаги ўн еттинчи тўпини антиқа тарзда - мухлислар олдидаги тўсиққа чиқиб нишонламоқчи бўлганда йиқилиб тушиб, жиддий жароҳат олди.

Орадан ҳеч қанча вақт ўтмасдан фарғоналикларнинг иқтидорли футболчиси Н.Кўзибоев "Насаф" дарвозасини иккинчи марта аниқ нишонга олди. Қашқадарёликлардан жавоб тўпини беллашувнинг сўнгги дақиқасида Бердикулов киритди.

Ўз майдонидаги ғалабалар эвазига жадвалнинг юқори қисмидан жой олган "Сурхон" меҳмонда навбатдаги очколарни йўқотди. "Металлург" футболчилари сурхондарёликлар дарвозасига ҳар бўлимда биттадан гол уриб, уч очкони қўлга киритди - 2:0.

"Сурхон"нинг мағлубиятидан фойдаланган мамлакатимизнинг яна бир етакчи жамоаси - "Навбахор" жадвалда сурхондарёликларга анча яқинлашиб олди. Намангандаги учрашувда "Кўкон-1912" футболчилари бешинчи дақиқадаёқ ҳисобни очди. Орадан уч дақиқа ўтиб наманганликлар вазиятни тенглаштиришди. Мухлислар биринчи бўлимда бошқа гол кўрмади. Иккинчи бўлим эса тўла мезбонлар устунлигида ўтди. Бу бўлимда "Навбахор" футболчилари кўконликлар дарвозасини тўрт марта ишғол қилди ва 5:1 ҳисобда ғалаба қозонди.

Қолган учрашувлар ўртамеъна жамоалар ўртасида кечди.

"Самарқанд-Д" мухлислари кўз ўнгига "Бухоро"га имкониятни бой берди. Голларга бой бўлган бу учрашувда 2:3 ҳисоби қайд этилди. Қизиқarli томони шундаки, ҳисоб 2:2 бўлиб турган 65-дақиқада мезбонлардан Жабборов пенальтидан фойдалана олмади. Орадан ўн дақиқа ўтиб Э.Қо-

симов учрашувдаги иккинчи голини уриб, жамоасига уч очко келтирди.

Тошкентда "Трактор" билан беллашган "Андижон" футболчилари сўнгги дақиқада мағлубиятдан қутулиб қолди. Тракторчилар 77-дақиқада Саидахролов томонидан киритилган гол эвазига уч очкони қўлга киритиш илнжида турганди. Лекин тошкентликлар ўз мақсадига етишига бир баҳя қолганда Аскаралиев ҳар икки жамоага биттадан очкони бўлиб берди.

Мусобақа жадвалига назар ташласак, "Пахтакор" ва "Нефтчи"

қолган жамоаларга қараганда анча илгарилар кетди. "Пахтакор" 34 очко билан пешқадамлик қилаётган бўлса, тошкентликлардан бир очко кам жамғарган фарғоналиклар иккинчи погонани эгаллаб турибди.

Учинчи ўринда бораётган "Қизилқум" 23 очко тўплаган. Кейинги погонани банд этган "Насаф"да 22 очко бор.

"Андижон", "Трактор", "Цементчи" жамоалари "хавфли" ҳудудда жойлашган бўлса, "Гулистон" ва "Кўкон-1912" сўнгги погоналарда мустаҳкам ўрнашиб олган.

12-ТУРДАН КЕЙИНГИ ВАЗИЯТ

| Жамоалар | Ў | Ю | Д | М | Т-Н | О |
|-------------------|----|----|---|----|-------|----|
| 1. "Пахтакор" | 12 | 11 | 1 | 0 | 35-8 | 34 |
| 2. "Нефтчи" | 12 | 11 | 0 | 1 | 34-7 | 33 |
| 3. "Қизилқум" | 12 | 7 | 2 | 3 | 23-13 | 23 |
| 4. "Насаф" | 12 | 7 | 1 | 4 | 23-15 | 22 |
| 5. "Сурхон" | 12 | 6 | 2 | 4 | 15-15 | 20 |
| 6. "Навбахор" | 12 | 5 | 4 | 3 | 19-12 | 19 |
| 7. "Дўстлик" | 12 | 5 | 3 | 4 | 14-16 | 18 |
| 8. "Машъал" | 12 | 4 | 2 | 6 | 16-12 | 14 |
| 9. "Металлург" | 12 | 4 | 2 | 6 | 14-23 | 14 |
| 10. "Бухоро" | 12 | 4 | 1 | 7 | 19-22 | 13 |
| 11. "Самарқанд-Д" | 12 | 4 | 1 | 7 | 17-20 | 13 |
| 12. "Андижон" | 12 | 3 | 3 | 6 | 11-13 | 12 |
| 13. "Трактор" | 12 | 3 | 3 | 6 | 15-39 | 12 |
| 14. "Цементчи" | 12 | 3 | 2 | 7 | 12-22 | 11 |
| 15. "Гулистон" | 12 | 3 | 1 | 8 | 9-27 | 10 |
| 16. "Кўкон-1912" | 12 | 2 | 0 | 10 | 14-22 | 6 |

11 июнь кунини Ўзбекистон кубоги мусобақаси ярим финалчилари - "Навбахор" ва "Насаф" Наманганда бўлган дастлабки учрашувда ўзаро куч синашди.

"Навбахор" ярим финалда кучли рақибга рўбарў келди. Бундай дейишимизга сабаб, "Насаф" футболчилари чорак финалда "Нефтчи"ни тўхтатиб қўйган эди. Қолаверса, қашқадарёликлар бу йил мамлакат кубогини қўлга киритиш ниятида эканини яшираётгани йўқ. Шунинг учун ҳам "Насаф" футболчилари меҳмонда ўйнашига қарамай фақат ғалаба учун ҳаракат қилди.

Финалда ким ўйнайди?

Учрашувда ҳисобни ҳам меҳмонлар очди. Биринчи бўлимнинг ўрталарида З.Холмуродов наманганликлар дарвозасини аниқ нишонга олди. Ўйиннинг иккинчи ярми бошларида И.Мўминжонов ҳисобни тенглаштиришга муваффақ бўлди. Лекин наманганликлар дуранг натижани ушлаб қолишолмади. 66-дақиқада Мавлонов қашқадарёликларни олдинга олиб чиқди.

Наманганликларда учрашувнинг 79-дақиқасида ҳисобни тенглаштириш учун яхшигина имконият вужудга келди. Бироқ чемпионат баҳсларида пенальтидан адашмасдан рақиб дарвоза-

сини ишғол қилиб юрган Х.Каримовдан шу кунини омад юз ўғирди. Унинг 11 метрлик белгидан берган зарбасини П.Гизимчук қайтарди.

Хуллас, Наманганда "Навбахор" устидан 1:2 ҳисобда ғалаба қозонган "Насаф"да финалга чиқиш учун яна бир қадам қолди, холос.

Бунинг учун қашқадарёликлар 2 июль кунини ўз уйида ўзига керакли бўлган натижани қўлга киритса кифоя.

Иккинчи ярим финалда "Сурхон" ўз майдонида "Пахтакор"ни қабул қилди. Тошкентликлар ушбу мавсумда ҳали Ўзбекистондаги жамоаларнинг ҳеч биридан мағлуб бўлмаганди.

14 июнь кунини Термизда бўлган учрашувда мезбонлар пахтакорчиларни энгишга муваффақ бўлишди.

Бунда "Сурхон" таркибида чиройли ўйин кўрсатаётган Ваҳобовнинг ҳиссаси анча катта. Иқтидорли футболчи пахтакорчиларга қарши кечган учрашувда ўзини кўрсатиб, ўтган йилги чемпион дарвозасига иккита тўп киритди. Ваҳобовнинг дублига тошкентликлар ҳимоячиси Г.Гочулиев бир марта жавоб қайтара олди, холос.

"Сурхон" ўз майдонида ғалаба қозонганига қарамай, финалга чиқиш имконияти "Пахтакор" футболчиларида кўпроқ. Чунки сурхондарёликларга нисбатан анча мукамал таркибга эга бўлган "Пахтакор" футболчилари ўз майдонида ҳар қандай рақибни энгиши мумкин. Қолаверса, пахтакорчилар финалда ўйнаши учун уларга 1:0 ҳисобдаги ютуқ ҳам кифоя.

Боҳир БЕК.

ҚИЗИРИҚЛИКЛАР



ҒОЛИБ

Сурхондарё вилояти ички ишлар идоралари ходимлари ўртасида марказий "Алпомиш" ўйингоҳида марҳум милиция подполковниги Бекмурод Қулмуродов хотирасига бағишланган футбол турнири бўлиб ўтди. Унда вилоят ИИБ бошқармалари ва туманлар ички ишлар бўлимларининг жамоалари ўзаро беллашдилар.

Чиройли ўйин кўрсатиб, рақибларини доғда қолдирган Қизирқ тумани ИИБ жамоаси биринчи, Жарқўрғон тумани ИИБ футболчилари иккинчи, пост-патруль хизмати ва жамоат тартибини сақлаш батальони спортчилари эса учинчи ўринни қўлга киритдилар.

Ғолиб жамоалар, моҳир футболчилар ҳамда марҳум милиция подполковниги Б.Қулмуродовнинг турмуш ўртоғига вилоят ИИБнинг эсдалик совғалари топширилди.

Б.БОЙМУРОДОВ,
милиция капитани.

Фахрийлар – фахримиз

«ҚАЙДА ҚОЛДИ МЕНИНГ ЁШЛИГИМ...»

Уруш даҳшатларини бошидан кечириб, сўнг умрини милиция хизматига бахшида этганлар кўпчиликти ташкил этади. Шулардан бири истеъфодаги милиция полковниги Ҳожибой Эргашевдир.

У уруш бошланиши билан кўнгиллилар қаторида ўзбек отлик дивизиясига ёзилди. Курс ёйи учун бўлган жангларнинг бирида оғир яраланди. Аввал дала госпиталида даволанди, кейин эса юртимизга юборилди. Даволаниб чиққач, 1943 йили Тошкент темир йўл депосига ишга йўлланма юборилди. Ҳамма ерда қийинчилик ҳукм сурар, аксарият ўғирликлар егулик учун содир этиларди. Айниқса, болалар ўртасида ўғирликлар кўп учраб турарди. Жиноятчиларга қарши курашда куч етишмасди. Ҳожибой Эргашевдаги ҳалоллик, тиришқоқлик, фидойиликни кўрган раҳбарлар уни тезкор вакиллари тайёрловчи Тошкент махсус мактабига ўқишга юборишди.

Ҳ. Эргашев ўқишни битиргач, 1953 йилга қадар Наманган вилоятида тезкор вакил бўлиб фаолият кўрсатди. Орадан бир йил ўтиб, Тошкент вилояти ички ишлар идораларида турли лавозимларда хизматни

давом эттирди. Ҳамма учун оғир йиллар эди. Бу ҳар бир кишидан шижоат ва матонат талаб қиларди. Иш танлаб ўтирилмас, гоҳо кечалари қолиб ишлашга тўғри келарди. Аҳолиси 220 минг нафардан ортиқ бўлган Калинин (ҳозирги Зангиота) тумани ИИБни бошқарди, шахсий таркиб эса бир неча кишини ташкил этарди, холос.

– Ҳозирги Бўзсув ёнида жойлашган хонадонлардан бирида қотиллик содир бўлгани ҳақида хабар олдик. Етиб борганимизда 5 кишидан иборат оила аъзоларини ваҳшийларча ўлдириб кетганди. Мўъжиза туфайлигина бир қизалоқ омон қолганди, – дея хотирлайди Ҳожибой ота. – Тинимсиз изланишлар, уйкусиз тунлар, машаққатли меҳнатларимиз зое кетмади. Қотилни Қозоғистондан топиб, қўлга олдик.

Бу каби жиноятларни очишда у доим фаоллик кўрсатган. Кўплаб муаммо-

ларнинг ечилишига бошқош бўлди.

– Қани, энди ёшлигим қайтиб келсаю ички ишлар идораларида хизмат қилсам, – дейди Ҳожибой ота. – Ҳозирда милиция ходимлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Замонавий алоқа воситалари, кенг ва ёруғ хизмат хоналари, автомашиналар биз учун орзу эди. Буларнинг қадрига етиш, елиб-югуриб хизмат қилиш керак...

Ҳожибой ота қайси лавозимда ишламасин, қаерда бўлмасин Ватани, халқига содиқ, милиция деган шарафли номга муносиб, ҳалол ва тўғри инсон бўлишга ҳаракат қилди. Турмуш машаққатларини энгишда умр йўлдоши Карима опа билан ҳамisha елкадош бўлишди. Ҳожибой отанинг хизматлари муносиб тақдирланди. Унинг кўксини “Жасорат” медали беэаб турибди. Айни пайтда ички ишлар фахрийси қариллик гаштини суриб, ўндан ортиқ неваралар ардоғида. Фарзандларидан бири унинг изидан бориб, милиция соҳасида хизмат қилмоқда. Демак, Ҳожибой ота ҳамон сафда.

М. МИНАВВАРОВА.

Фидойи ҳамкасбларимиз

Милиция катта лейтенанти Фурқатжон Ражабов қишлоғимизга профилактика инспектори этиб тайинланганда, унинг юмшоқ табиатлилигини билгач, ишни эплай олармикан деб ўйлагандим. Бироқ касби ўқитувчи экан, тарбиявий ишларни йўлга солиб юборса керак, дея хурсанд ҳам бўлдим.

Дастлабки куниеқ суҳбатлашиб, дилдаги гапларни ўртоқлашдик. Фурқатжон деҳқон оиласида туғилиб ўсган. Айтишича, қариндош-уруғлари орасида милиция соҳасида ишлаганлар бўлмаса-да, лекин ички ишлар ходимининг фаолиятига жуда қизиққан. Отаси ўғли танлаган касбга қаршилик кўрсатмади.

ФАХРЛАНСАК АРЗИЙДИ

Обод маҳалла йилида қишлоқ фуқаролар йиғини фаоллари олдига катта вазифалар кўйилди. Шулардан бири аҳолини иш билан таъминлаш. Туманимизда асосан деҳқончилик ва чорвачилик ривожланган. Саноат корхоналари эса санокли. Шу йил кузда Олот шаҳрида янги пахта заводи ишга тушади. Қишлоқдаги фермерлар билан гаплашиб, деҳқонларга ижарага ер беришни ташкиллаштирдик. Албатта, бу ишларда профилактика инспекторининг ҳам хизмати бор.

Кейинги пайтда қишлоғимизда оғир жиноятлар содир этилмапти. Бироқ, айрим фуқаролар, кўпроқ ёшлар ўртасида ўзаро жанжаллар бўлиб турибди. Бунинг олдини олиш ва ёшларнинг бўш вақтини кўнгилли ўтказиш учун қатор тадбирлар кўриляпти. Шу мақсадда – худудда спорт турлари ривожлантирилмоқда. Фурқатжон футбол жамоаси тузган, ўзи ҳам ўйнайди.

Тинчлик, барқарорлик ҳукм сурган жойда ҳар хил тадбирлар ташкил этиш мумкин. Шу боис ҳам қишлоғимизда осойишталикни сақлаш учун бор имкониятларни ишга соляпмиз. Оила нотинч бўлса, маҳаллада осудалик йўқолади, тотувликка путур етади. Ана шу ҳақиқатни аҳолига ет-

казиш, одамларга тушунтириш учун Фурқатжон астойдил саъй-ҳаракат қияпти. Маҳалла посбонлари топшириқларни яхши удалашади. Қишлоғимизда саккиз ярим мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Кўпчилиги болалар. Фурқатжон болажон йигит бўлгани учун улардан бирортаси шўхлик қилса ёки қоидабузарликка йўл қўйса, ўз фарзанди ножўя иш қилгандек куюниб кетади.

Мен Фурқатжон ҳақидаги фикрларни вилоят ИИБ, туман милиция бўлимидан келган раҳбарларга ҳам айтганман. Шу ўринда профилактика инспектори гапиришга истиҳола қилиб юрган мулоҳазани айтмоқчиман. Унга хизмат машинаси жуда зарур. Вақт-бемаҳал қишлоқнинг у четидан-бу четига тезда етиб боришига тўғри келади. Маҳалла посбонларининг маошини ҳам кўпайтириш керак. Шунда уларнинг ишга қизиқиши ортади.

Бир сўз билан айтганда, профилактика инспектори, милиция катта лейтенанти Фурқатжон Ражабов билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Ж. КАРИМОВ,

Бухоро вилояти Олот туманидаги “Чандир” қишлоқ фуқаролар йиғини раиси.

Милиция сафдори Азамат Аллабергановнинг ички ишлар идораларида хизмат қилаётганига кўп бўлгани йўқ. Лекин шундай бўлса-да, у ўзининг хушмуомалалиги, ишчанлиги, зиммасидаги топшириқларни ўз вақтида бекаму кўст бажариши туфайли ҳамкасбларининг хурматиға сазовор бўлмоқда.



СУРАТДА: Хоразм вилояти ИИБ тергов бошқармаси иш юритувчиси, милиция сафдори Азамат Аллаберганов хизмат пайтида.

Ж. ҚОЗОҚ олган сурат.

АКА-УКА ШЕРАЛИЕВЛАР

Ўзбек халқи азалдан болажон. Айниқса, оилада ўғил дунёга келса ота-онага мислсиз қувонч бағишлайди.

Мен ҳикоя қилмоқчи бўлган Наби ака Шералиевлар оиласида ҳам биринкетин икки ўғил – Эркин ва Фанишержонлар туғилиб, вояга етдилар. Бугунги кунда иккиси ҳам Ватан ҳимоячиси бўлиб, ИИВнинг Қоровул кўшинларига қарашли ҳарбий жамоалардан бирида хизмат қилиб келмоқдалар.

Капитан Эркин Шералиев ҳарбий фаолиятини 1993 йили шартнома асосида ҳарбий хизматчи сифатида бошлади. Қисм командири Эркиннинг тинимсиз ўз устида ишлаши, изланишларини сезиб, 1996 йили уни офицерлар тайёрлаш курсига ўқишга юборди.

Ўқишни муваффақиятли тугатиб келгач взвод командири, кейинчалик, тарбиявий ишлар бўйича батальон командирининг ўринбосари лавозимларидан фаолият кўрсатди. Ҳозирда эса батальон командири.

Укаси Фанишер ҳам ака изидан бориб, ҳарбий бўлди. У жисмонан бақувват, қўл жанги сирларини яхши ўзлаштирган.

Фанишер ҳарбий жамоа шахсий таркиби ўртасида ўтказиладиган спорт мусобақаларига қатнашиб, доимо яхши натижаларга эришади. Айни пайтда у бўлинма сардори.

Бўлинма аскарларидан Фанишер ҳақида сўраганимизда, ўз устозларидан жуда мамнун эканликлари, ундан олган билим ва тажрибалари ҳарбий хизматда жуда қўл келаётганини гапириб бердилар.

Ўйлаймизки, миллий армиямиз сафларида ака-ука Шералиевлардек ўз касбининг усталари қанчалик кўп бўлса, Куролли Кучларимиз шунчалик мустаҳкам ва қудратли бўлиб бораверади.

Б. ЛУТФУЛЛАЕВ.

Шундай одамлар бор бўлсин!

ҚАДРДОН АСТАН ОҒАМИЗ

Кимдир билим ва ҳунар эгаси бўлишга, эзгу, савоб ишлари билан одамлар дилдан жой олишга ҳаракат қилади. Кимдир мол-дунё тўплашга ҳирс қўйиб, умр бўйи безовта умргузаронлик қилади.

Буни ҳаёт дейдилар. Унинг сирли ва уқубатли сўқмоқларида синовларда тобланиб, эл-юрт гамида фақат пок яшаб, ўзидан яхши ном қолдирадиган инсонлар кўп. Мен шундайларга ҳавас билан боқаман. Уларнинг

юзидан нур ёғилиб туради.

Астан оға асли озар ўғлони бўлиб, тақдир тақозоси билан Навоийга шаҳар энди қурила бошлаган йиллари келиб, шу ерда макон топди. У Ўзбекистонни севди, шу юртнинг бир фарзанди сифатида халқ учун хизмат қилмоқчи ҳаётининг чин маъноси деб билди. Чаққон, ишбилармон ва ўз

касбининг фидойиси бўлган Астан аканинг жамоа, халқ олдидаги ҳурмат-эътибори кундан-кунга ошиб борди.

1975 йилдан то ҳозирги кунга қадар у Навоий шаҳар ИИБ ҳузуридаги кўриқлаш бўлими ҳарбийлаштирилган отряди бошлиги лавозимида хизмат қиялпти. Эгрилик ва алдамчилик йўлини тутганлар-

га аёвсиз зарба беради. Бу борада Астан аканинг хушёр ва сергаклиги, адолатпарварлиги, элсеварлиги, ҳар бир ишни одилона ва оқилона ҳал этиши одамлар ўртасидаги обрўсини янада оширмоқда.

... Навоий конметаллургия комбинати иншоотларидан бирининг омборхонасидан 600 минг сўмлик техника эҳтиёт қисмла-

ри йўқолди. А. Аслоннов зудлик билан йўқолган буюмларни топиш тадбирларини ишлаб чиқди. Кўрилган чоралар натижасида омбор мудираси томонидан корхона мулки талон-торож қилинганлиги аниқланиб, у далилий ашёлар билан қўлга олинди.

Ҳозирги кунда 30 дан ортиқ иншоот Астан ака раҳбарлигидаги гуруҳ ҳимоясида.

У киши давлат ишини ҳам, инсонийлик, ҳалоллик, ўзбекона урф-одатлар, расм-русумларни ҳам жойига қўювчи ажойиб инсон.

Астан аканинг ҳалол меҳнати муносиб тақдирланган. У киши раҳбарият томонидан кўплаб фахрий ёрлик, қимматбаҳо буюмлар билан мукофотланган. Орамизда у кишига ўхшаганлар кўпайса, меҳр-оқибат, ҳалоллик, меҳнатсеварлик кадр топиб бораверади.

М. КАРИМОВА.

Инсон ва унинг тақдир

БЕДАРАК ЙЎҚОЛГАНЛАР...

Улар топиляптими?

Кўпинча газетамиз саҳифаларида бедарак йўқолганлар ҳақида хабар берилиб, уларни топишда жамоатчиликдан кўмак сўралади. Хўш, инсон нима учун уйдан чиқиб кетиб қайтиб келмайди? Бунинг асосий сабаблари нимада?

Ана шу каби саволларимизга республика ИИБ ЖҚ ва ТҚКББ ходими, милиция подполковниги Жўраҳон Қаюмова шундай жавоб берди.

— Дарҳақиқат, инсон нима учун бедарак кетади? Таъбир жоиз бўлса, йўқолганларни бир неча турга бўлиш мумкин. Масалан, анча ёшга бориб қолган отахон ёки онахон дўкандан нон олиб келиш учун уйдан чиқадию..., қайтиб келмайди. Фарзандлари аввалига келиб қоларлар, деб кутишади. Кейин қариндош-уруғлар, атрофдаги қўни-қўшнилардан сўраб-суриштиришади. Ва ниҳоят қариянинг йўқолгани ҳақида ички ишлар идораларига ариза билан мурожаат қиладилар.

Ички ишлар идорасида фуқаронинг бедарак йўқолгани бўйича дарҳол "иш" очилиб, қидирув-суриштирув ишлари бошлаб юборилади. Баъзи кексаларнинг "йўқолиши"га кўпроқ уларнинг паршонхотирлиги, хотираси пайсиб, адашиш натижасида уйи қолиб, бошқа тарафларга кетиб қолиши ҳам сабаб бўлади.

Бедарак йўқолган шахсларни қидириб топишда, "Постда" ва "На посту" газеталари хизматини алоҳида таъкидлаш зарур. Газеталарда қидирилатган шахслар ҳақида хабар ёритилгач кўплаб жонқуяр фуқаролар бизга қўнғироқ қилишади. Бу эса ижобий натижа беради.

Бир куни С. Раҳимов туманида яшовчи ёшгина Гўзал исмли қизча бедарак йўқолгани тўғрисида маълумот олди. Унинг ота-онаси бағрига қайтарилишида газетхонларнинг хизмати катта бўлди.

Вилоятлардан бирдан ёш қизнинг йўқолгани ҳақида хабар келди. Кўплаб тахминлар ишлаб чиқилгандан кейин уни туғруқхона ёки аёллар маслаҳатхонасидаги рўйхатга олиш варағи бўйича қидириш керак, деган тўхтамга келдик.

Тахминимиз тўғри чиқди. Қизнинг изини пойтахтимиздаги аёллар маслаҳатхонасидан топдик. У хузуримизга ўзи ижарада турган хонадон эгаси — ушоққина рус кампир билан келди. Маълум бўлишича, бадавлат ота уни севган йигитига турмушга чиқишига розилик бермаган. Оқибатда ёшлар уйдан қочиб кетиб, Тошкентга келишган. Ижарага уй олиб, бирга яшай бошлаганлар.

Яна бир воқеа ёдимдан чиқмайди.

Паркент туманилик Собира исмли аёлнинг ўн икки-ўн уч ёшлардаги ногирон ўғли йўқолиб қолади. Онаизор ҳар куни келиб, фарзандидан бирор хабар бор-йўқлигини суриштирар, тасаллиларимизни жимгина тинглаб, умид билан қайтиб кетарди. Унинг фарзанди топилгандан кейинги қувончини кўрсангиз эди.

Дарвоқе, бу бола ҳам "Постда"нинг муштарийлари кўмагида она бағрига қайтди. Болаларнинг йўқолишига сабаб катталарнинг лоқайдлигидир. Айниқса, баъзи ота-оналар (кўпроқ оналар) тижорат ишлари билан бошқа юртларда узоқ вақт қолиб кетадилар. Бола эса хоҳлаган жойига бориб, тентираб юради. Ўзига ўхшаганлар билан топишиб, уйга келмай қоладиган одат чиқаради. Охир-оқибат бебош ҳаётга ўрланади. Уйдан бебади. Баъзан эса дуч келган автобусга, ҳатто поездга ўтириб, бошқа жойларга бориб қолади. Уйга қайтган ота-она уни қидира бошлашади. Бу ҳақда ички ишлар идорасига маълум қиладилар. Қидирув-суриштирув ишлари бошланади. Минг афсуски, боласини кўчага ташлаб қўйган, унинг бор-йўқлиги билан қизиқмайдиган ота-оналар ҳам учрайди.

— Бедарак йўқолганлар топиладими?

— Камдан-кам учрайди бу ҳолат. Топилиши қийин бўлганлар кўпроқ ўсмирлар, 18-20 ёшли йигитлардир. Улар "дунё кўриш, ишлаб, пул топиш" мақсадида уч-тўртта бўлиб, поездга чиқиб, дуч келган томонга йўл оладилар. Албатта, бундай саргузаштлабларни қидириб топиш осонмас. Аммо чет эллик ҳамкасбларимиз ёрдамида уларни ҳам топамиз. Масалан, 20 ёшли Жасур орадан икки йил ўтгач, бошқа мамлакатда ишлаб юргани аниқланиб, ота-онаси билан топиштирилди.

Бир-биримизга нисбатан оқибатлироқ бўлайлик, шунда бедарак кетишлар ҳам камайишига шубҳа йўқ.

Ш. ШЕРМАТОВА ёзиб олди.

Турмуш чорраҳаларида

Қушларнинг парвозига маҳлиё термилиб, бир марта бўлса-да учишни орзу қилмаган одам бормикин? Чинор дарактининг баланд шохидан учиб ўт-ўланлар орасига қўнган қуш яна осмонга кўтарилди. Эҳтимол инига, болаларини олдига ошиқайтандир. Нима бўлганда ҳам озод-да. Жазони ижро этиш муассасасида ана шу қуш парвозини кузатиб турган маҳкум Маъруф Солиевнинг (исм-шарифи ўзгартирилган) кўз олдида ота-онаси, хотини ва болалари келди.

ЎРИНСИЗ АРАЛАШУВ

— Гулдай ҳунарим бор эди. Хайдовчилик қилардим. Қайдан ҳам болаларнинг жанжалига аралашдим! Суд залида марҳумнинг ота-она, ака-укаси, опа-сингиллари, яқинларининг нафрат тўла кўзлари, ҳақли ҳақоратларини эсласам ҳали-ҳануз қилмишимдан афсусланаман, — дейди биз билан суҳбатда у. — Жияним Азамат билан Шавкат исмли йигит жанжаллашиб қолади. Эртаси куни Азаматнинг ёнини олиб, Шавкатнинг болаб таъзирини бердим. Жиддий жароҳат олмаган бўлса-да, акаси Яшинга арз

қилибди. Маҳалламизда бўлаётган навбатдаги тўйда Яшин билан учрашдик. Мендан ўч олиш ният-далигини ҳар хил кўпол гаплари, дўқ-пўписаларидан англаб олиш қийин эмасди. Вазиятни тинч йўл билан ҳал қилишга, очиги, гурурим йўл қўймади. Оиламиз шаънига у айтган гапларни бирма-бир сизга айтишнинг ҳолати йўқ.

Хуллас, йигитчасига гаплашиш мақсадида қишлоқ четидеги тутзорнинг орқа томонига ўтдик. У ердан онда-сонда хўжалик ишчилари юрмаса, деярли одам ўтмасди.

Оғзаки жанжалимиз мушталашига айланди.

Яшиннинг зарбларидан анча ганиб қолган Маъруфнинг кўзи ерда занг босиб ётган синиқ ўроққа тушади. Ана шу ўроқ билан рақибининг тўғри келган жойига бир неча бор урди. Ниҳоят оғир тан жароҳати олган Яшин ҳолсизланиб ерга йиқилди. Қўли қип-қизил қонлигини кўриб, Маъруфнинг ақли кирди, бутун вужудини ваҳима босди.

Мана, сизга ўринсиз аралашуш оқибати. Жиноят жазосиз қолмайди. Жиянининг ёнини оламан деб, Маъруф қотиллик қилди. Энди белгиланган жазо мuddатини ўтамоқда. Укаси учун ўч олмоқчи бўлган Яшин эса ҳаётдан кўз юмди. Бекордан-бекорга ўринсиз аралашуш баъзан ана шундай жуда ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин. Ундан кўра катталар болаларга яхши гапириб, уларни яраштириб қўйиши лозим эди.

Х. САЛИМОВ.

Гиёҳвандлик — иллат

КИМЛАРДИР ЭКАДИ... ОҚИБАТИ-ЧИ?

— Вой болам-ей, мен бундан ўзимга дориликка экканман. Қишда йўталиш тутиб, уйқум қочганда бир чимдим эзгилаб ичаман.

— Ҳозир шундай ўткир дорилар борки, уни ичиб, нафақат йўталишга қолади, балки ёшариб ҳам кетасиз.

— Дорини пулга олиш керак, болам. Мен кексада пул қайда, — бўш келмади қария. Унинг эланишлари-ю, баҳонаси зое кетди. Етмишдан ошган Гулистон туманилик Бўронбой Д. томонидан буғдой ичига экиб, парвартиш қилинаётган 5 квадрат метр майдондаги кўкнор ўсимлиги йўқ қилинди.

Шу туманда яшовчи, олтимиш қоралаётган Юлдузхон И. исмли, бир этак неварали аёл 60 тупдан ортик яширинча ўстираётган кўкнор туман ИИБ ходимлари назаридан четда қолмади. Унинг важ-карсонлари қонун ҳимоячиларини чалғита олмади.

Боёвут жамоа хўжалигида яшовчи олтимиш уриб



Гиёҳвандликни аср вабоси, дейдилар. Афсуски, унинг домига каттаю кичик билиб-билмай тушиб қолмоқда. Ёшларни насиҳатлари, маънили маслаҳатлари билан изга солидиган айни ёшда бўлган бу кексаларнинг шунча умр кўриб яхши-ёмонни, тубанлиги эзгуликнинг фарқи бормаганига ҳайрон қолсан, киши.

Айниқса, кексаликларини рўкач

қўйган Турсункул Х. сабзи орасидаги бир квадрат метр ерда ўстираётган оғунинг етилишини кутаётган эди. Бироқ унинг хом хаёлини туман ИИБ жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш гуруҳи ходимлари бузишди.

қилиб, иззат-хурмат талаб қилишлари ҳаммасидан ошиб тушади. Бироқ жиноятнинг катта-кичиги бўлмаганидек, жиноятчининг ҳам ёшу қариси бўлмайди. Қонун барчага баробар.

С. ОРИФЖОНОВ.

КИСКА САТРАЛДАР

Пойтахтда яшовчи қўшнилари — Шухратилло К. ва Каримберди Т.лар Қозоғистон Республикасидан товар олиб келиб сотишга келишишди. Кечаси молни машиналарга ортиб, тонг саҳарда Май кўрғониде жойлашган чегара масканини четлаб, айланма йўллари орқали республикамиз ҳудудига кириб келишайтганда Тошкент вилояти ИИБ ЖҚ ва ТҚКББ ходимлари томонидан қўлга олинди. Юкхонада Хитойда ишлаб чиқарилган қарийб 45 млн. сўмлик маҳсулотлар борлиги аниқланди.

Ушбу хизмат ходимлари яқинда яна икки кишини қўлга олишди. Россия фуқароси В.Б. тошкентлик В.Д. билан жиноий тил бириктириб, Қибрай туманининг Арғин қишлоғида 8 ампулага жойланган илон захарини 2.500 АҚШ долларига сотмоқчи бўлишганда туюққа тушишди.

Ўз мухбиримиз.

Сайхунобод тумани ИИБ ва прокуратураси ходимлари томонидан ҳам-

корликда амалга оширилган тадбир давомида А.Темур жамоа хўжалигида яшовчи Ф.Б.нинг ноқонуний фаолиятига чек қўйилди. Бу "ишбилармон" Сайхун пахта тозалаш заводи ишчиларидан ҳар кило чигитни 45 сўмдан олиб, фуқароларга 60 сўмдан сотаётгани фош этилди.

Қўлбола мойжувоздан фойдаланиб, ундан олинган сифатсиз, соғлиқ учун зарарли бўлган ёғни ҳам-қишлоқларига пуллаётган

Пардабойнинг сирини очилди. Текширилганда 4800 кг чигит ёғи олиш учун тайёрланиб қўйилгани аниқланди.

Тадбир ўтказилганда жазолиқ Тошбуви Б. 45 литр спирт, самарқандлик Фароғат Б. 4 дона телевизор, ховослик Алижан С. 4 тонна солякани айланма йўллари орқали қўшни республикаларга олиб ўтишга уринишганда тўхтатилди.

Қ.КАРИМОВ,
милиция капитани.

БЕДАРАК ЙЎҚОЛГАН

Тошкент шаҳар Яккасарой тумани ИИБ томонидан 1986 йилда туғилган Ҳадича Низомиддинова РАҲМАТОВА қидирилмоқда. Яккасарой тумани А. Нурмухамедов кўчаси 7-уйда яшаган. 2003 йил 29 май куни уйдан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.

Белгилари: бўйи 165 см, ўртача гавдали, юзи қўзикроқ кўзи қора, қоши сийрак.

Кийимлари: эғнида оч жигарранг каттак кўйлак, бошида оқ рўмол бўлган.

Алоҳида белгиси: қорнининг ўнг тарафиде жарроҳликдан қолган чандиқ бор.

Ҳ. Раҳматовани кўрган ёки қаердалигини билганлардан яқин орадаги милиция бўлими ёки Яккасарой тумани ИИБга хабар беришларини сўраймиз.



Жиноятга жазо муқаррар!

«... МЕН ШУНДОҚ ЯШАМОҚЧИ ЭДИМ»

Солижон Оксана (исмлар ўзгартирилган) билан танишганидаёқ унга уйланмаслигини билганди. Қизнинг ўзига тўқлиги, алоҳида уйда яшаши унинг ҳисоб-китобларига тўғри келарди. Солижон истаган пайтида Оксанани кига бориб, дам олиши мумкин эди. Унга бундай ҳаёт жуда ёқиб, тез-тез тунаб қоладиган бўлди. Оксана унинг "уйланаман" деган гапларига ишонганди. Вақт ўтгани сайин, қиз бу ҳақда гап очгудек бўлса, у турли йўллари билан уни чалғитишга ҳаракат қиларди. Алданиб қолишдан чўчиган қиз қатъий талаблар қўя бошлади. Уларнинг оила қуришларига йигитнинг ота-онаси тиш-тирноғи билан қарши чиқишди. Солижоннинг боши қотди. Уйланмай деса, шунча ҳашамат, бойлик...

тез келиб турса... Ҳеч кимнинг ёрдамига муҳтож бўлмаса... Бир-бирини яхши кўришса...

У йўлакда кетма-кет сигарет тутатаркан, қандай қилиб бўлса-да, Оксанани бунга

кўндириш йўллари кидирарди. Ахир, ўзи ҳам мана йигирма бешга кирди, ота-онаси топган қизларга уйланмаяпти-ку?! Шу пайт машина келиб тўхтади. Ундан ширакайф Оксана тушаркан,

қолганлар билан ўпишиб хайрлашди. Буни кўриб турган ошиқнинг раши аланга олди. Секин келиб қизнинг кўлтигидан олди.

– Бизни ҳайдаб, дарров хушторларингизни топиб олибсиз-да, — пичинг қилди Солижон.

– Улар сенга ўхшаб амманнинг бузоғи эмас.

Пичинг ва қочириклар Оксана ошхонага ўтиб, ўзига қаҳва тайёрлаётганида ҳам давом этди. Солижон яхши гапириб, маҳбубаси билан яна муносабатларини тикламоқчи эди, лекин қиз жеркиб, силтаб ташлади. Оксана никоҳдан ўтиб эрга тегиб, қонуний яшамоқчи. Эҳтимол, кўёвбола ҳозиргина ўпишиб хайрлашганлардан биттасидир. Солижон буни кўз олдида келтираркан, юраги ғашланди. У қаердандир чилвир топди-да қизнинг бўйига ўради. Оксана жон ҳолатда ундан бўшалишга уринди. Бироқ ажал қалами ўз ёзувини ёзиб бўлганди. Рашикчи ёр жимиб қолган жасадни деворга суюб, унинг тилла тақинчоқларини еча бошлади. Сўнг ётоқхонага кириб, пул ва бошқа қимматбаҳо буюмларни кидирди. У қўлга тушган нарсаларни олиб, қўйнига солганча девордаги, полдаги гиламларга қараркан ўзича бир нималар-

ни мўлжаллади ва эшикни қулфлаб чиқиб кетди.

Оксананинг ишга келмаганидан ҳамкасблари хавотир олишди. Уйига кўнғироқ қилишди, аммо ҳеч ким жавоб бермагач, икки ходим ундан хабар олгани уйига келишди...

– Бу жиноятни очишда фуқароларнинг хушёрлиги катта ёрдам берди, — дейди Сирдарё вилояти ИИБ ЖК ва ТҚКБ бўлим бошлиғи, милиция майори Ф.Жонибеков. — Бизга кўни-қўшнилари жабрланувчининг таниш-билишлари, уйига келиб-кетувчилар ҳақида берган маълумотлар жуда асқотди.

Қотилликни очишда вилоят ИИБ ЖК ва ТҚКБ ходимлари милиция подполковниклари Р.Камолитдинов, А.Примовларнинг хизматлари катта бўлди. Солижон марҳуманинг тилла тақинчоқларини арзон-гаровга сотаётган вақтда ички ишлар ходимлари томонидан қўлга олинди.

Терговчининг "...уни шунчалик раши қилар экансиз, нега уйлана қолмадингиз" деган саволига "мен барибир унга уйланмасдим, шундоқ яшамоқчи эдим" дея жавоб берди.

Б. СОДИҚОВ,
милиция капитани.



"Кўёв"нинг уйланиши пайсалга солаётгани бежиз эмаслигини сезган Оксана "уйланмасанг, мени тинч қўй", деб унга рўйхуш бермайдиган бўлди. Қарийб икки йилдан бери эр-хотиндек яшаётган Солижонга бу гап қаттиқ ботди. Қиз янги танишлар орттириш, ҳаётини изига тушириш ҳаракатида эди. У энди тез-тез дўстлари билан учрашар, турли кечалардан қолмасликка интилар, шу билан ўзининг омадсиз севгисини унутиб, кўнғидаги бахтни топмоқчи бўларди. Ўша муд-хиш кунда дўстлари даврасида ўтирганида Солижон

унинг уйига бир неча марта келиб, қидираётганини билмасди. Ўтган кундаги очик гаплашув ҳаммасига хотима қўйганига ишонганди. Ўшанда Оксана "...сен барибир менга уйланмайсан, шунча вақт лақиллатиб, мендан фойдаландинг, энди орамиз очик, уйланаман деган тақдирингда ҳам сенга турмушга чиқмайман", деганди. Солижон уйланмаслигини биларди. У ҳеч қачон ота-онасининг раъйига қарши чиқолмасди. Назарида Оксана севгилиси билан шундай яшайвериши керак эди. Ахир, нима етишмайди. Солижон тез-

ҚИММАТГА ТУШГАН ҚАЛЛОБЛИК

Бугунги кунда ёшларнинг билим олиши учун етарли шароитлар яратилаётгани ҳақида қайта-қайта таъкидлашнинг ҳожати бўлмас керак. Зеро, бу борадаги имконият ва имтиёزلарни барча ўз кўзи билан кўриб, чуқур ҳис қилаёпти.

Лекин Турғангул Жадигерова қисқа фурсатда олий маълумотли мутахассис бўлишнинг осон йўлини топди. 1999 йилда Бизнес мактабини тугатиб, Нукус туманидаги ташкилотлардан бирига ишга жой-

лашган Турғангул сал ўтмай каттароқ лавозимда ишлашни хоҳлаб қолди. Бироқ бунинг учун яна беш-олти йил ўқиш керак эди. Аммо унинг бўйни ёр бермай, сохта дипломни қўлга киритди ва бошқа ҳуж-

жатларига қўшиб Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлигига топширди.

Албатта, ҳуқуқ соҳасининг етук билимдонлари дипломни текшириб кўриб, унинг қалбаки эканлигини аниқлашди. Маълум бўлишича, Т.Жадигерова Қорақалпоқ Давлат университети қошидаги Бизнес мактаби томонидан берилган 000619-рақамли дипломдаги сўзларни ўчириб, унинг ўрнига бошқа рақам ва "Бердақ номидаги Қорақалпоқ Давлат университетининг ҳуқуқшунослик факультетини тамомлаган", деган ёзувни туширган экан.

Т.Жадигерова ноҳўя ишга қўл урдию, жиноят албатта фош этилишини унутиб қўйди. Бу эса унга қимматга тушди. Қаллобаёл қилмишига яраша жазоланди.

Д.ХУДОЙШУКУРОВ.

Бу ниҳоят ўз натижасини берди. Мигдат апрель ойининг бошида ўзи яшаётган Фарғона шаҳри "Шаршара" кўчасидаги уй молхонасига яшириб қўйган икки дона тўппонча ва 10 дона ўқини олиб, латта ва елим қоғозларга ўрагани, кейин укаси Ренатнинг уйига олиб бориб, "Булар автомобилнинг эҳтиёт қисмлари, сеникида турсин" деб унга берганини айтди. Милиция ходимларини укасининг уйига бошлаб бориб, "автомобиль эҳтиёт қисмлари"ни ўз қўли билан топширди. Унинг жинояти тасдиқланиб, у қонуний жазо олди.

А. СУЛТОНОВ,
милиция подполковниги.

НАФСИНИ ЎЙЛАБ ОБРЎСИДАН АЙРИЛДИ

Ангор тумани ички ишлар бўлими ходимлари туман прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бўлими вакиллари билан ҳамкорликда қатор тадбирларни амалга оширишяпти. Шу йилнинг ўзида товар-моддий бойликларнинг ҳудудга ноқонуний келтирилиши ва олиб кетилиши, чет эл моллари билан савдо қилиш билан боғлиқ кўплаб ҳолатлар фош этилди. Натижада амалдаги қонун-қоидаларни менсимай, бойлик орттириш илинжида юрган ўнлаб сохта тадбиркорлар фаолиятига чек қўйилди.

Ачинарлиси, олиб борилаётган ташвиқотлар ва қўлланилаётган чора-тадбирларга қарамай гайриқонуний ишларга қўл ураётган шахслар ҳамон учраб турибди. Яқинда биргаликда ўтказилган тадбирда ана шундай ҳолат аниқланди.

Ш. Рашидов ширкат хўжалигида яшовчи Алишер Б.нинг туман пахта тозалаш заводи ҳудуди атрофида уймаланиб юриши бежиз эмас экан. Унинг уйида қўлбола жувоз ишлатилаётганди. Жувоз учун эса чигит керак.

Алишер Б.нинг уйи кўздан кечирилганда жувозхонада 200

килограмм чигит, 40 килограмм пахта ёғи борлиги аниқланди. Истеъмолга яроқсиз пахта ёғи йўқ қилинди. Чигит ва мойжувоз эса давлат фойдасига мусодара қилинди. Ноқонуний хатти-ҳаракати учун Алишер Б. туман судининг қарорига кўра 181400 сўм жарима тўлайдиган бўлди. Нафсини ўйлаб, ноқонуний бойлик орттиришга интилиш уни маҳалла, кўча-кўйда ёмон отлик қилди, обрўсидан айирди.

С. НОРБЎТАЕВ,
С. ОМОНТУРДИЕВ.
Сурхондарё вилояти.

БУКРИНИ ГҮР ТЎҒРИЛАЙДИМИ?

Пензалик Мигдат Бахтиев тақдир тақозоси билан юртимизга келиб қолган. У 41 йиллик умрининг деярли учдан бир қисмини қамоқхоналарда ўтказди. Ақли расо, кўнгли тўғри одам энди қадамини ўйлаб босиши, қатикни ҳам пуфлаб ичиши керак эди. Лекин Мигдат бундай қилмади.

Фарғона вилояти ИИБ ЖК ва ТҚКБнинг уюшган жиноятчиликка қарши кураш бўлимига М. Бахтиевнинг хурмача

қилиқлари ҳақида маълумотлар туша бошлади. Шундан сўнг Мигдат билан бир неча марта суҳбат ўтказилди.

Республика ИИБ Тиббиёт бошқармаси ва Республика ИИБ санитария-эпидемиология Бош маркази жамоалари Қашқадарё вилояти ИИБ санитария-эпидемиология маркази шифокори, ички хизмат старшинаси
Бекназар БҮРИЕВнинг фожиали ҳалок бўлгани муносабати билан марҳумнинг оиласи ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирадилар.


Қашқадарё вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби вилоят ИИБ санитария-эпидемиология назорати маркази шифокори, ички хизмат старшинаси
Бекназар БҮРИЕВнинг фожиали ҳалок бўлгани муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Бирлашган тахририяти жамоаси тахририят масъул котиби Раҳматилла Бердиевга акаси
Абдулла ҲАЗРАТҚУЛОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Самарқанд вилояти ИИБ ЙҲХБ раҳбарияти ва шахсий таркиби бошқарма ходими, милиция майори Фахриддин Каримовга акаси
Фармон ФАЙЗУЛЛАЕВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Навоий вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Навоий шаҳар ИИБ ҳузуридаги кўриқлаш бўлими ходими, милиция сержанти
Ҳамид ШОНАЗАРОВнинг фожиали ҳалок бўлгани муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Ёз ўтмоқда соз



ОРОМГОҲЛАР ЯНА ГАВЖУМ

Фаргона мамлакатимизнинг энг сўлим гўшаларидан бири. Вилоятда болалар ва ўсмирлар ёзги таътил даврида кўнгилдагидек дам олишларини ташкиллаштириш мақсадида республика Ички ишлар вазирлигининг "Ғамхўрлик 2003" тadbирий режаси ва вилоят ҳокимлигининг қарорига асосан ишчи гуруҳлари тузилди.

Дам олиш ва соғломлаштириш оромгоҳларига олиб борувчи йўллар таъмирланди. Ёнғиннинг олдини олиш ишларига эътибор берилди. Электр таъминоти, алоқани таъминлаш каби вазифалар белгиланди, камчиликлар бартараф этилди.

Оромгоҳларга келган болалар ўртасида тарбиявий ишлар олиб бориш, ҳуқуқбу-

зарликларнинг олдини олиш учун ҳуқуқий мавзуда суҳбатлар уюштирилади, турли тўғараклар фаолият юритади. Болалар тарбиясига ва уларнинг дам олишига масъул бўлган оромгоҳлар раҳбарлари, вилоят касаба уюшмалари кенгаши, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия, халқ таъ-

лими, соғлиқни сақлаш ва ИИБ бошқармаси, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгашларининг масъул ходимлари иштирокида барча болалар оромгоҳлари бошлиқлари аттестациядан ўтказилди.

Бу йилги мавсумда вилоятда жами 21060 нафар болаларни соғломлаштириш режалаштирилган: бунинг учун 23 та шаҳар ташқарисидаги, 28 та кундузги, биттадан спорт-соғломлаштириш ҳамда санаторий типдаги оромгоҳлардан фойдаланилади. Бундан ташқари, Наманган вилояти Поп туманидаги "Нефтчи" ҳамда "Нилуфар" оромгоҳларида ҳам 500 нафарга яқин болаларнинг дам олиши режалаштирилган.

Айни кунларда оромгоҳлар яна болалар билан гавжум бўлди. Мавсум давомида турли маданий тadbирлар, қизиқарли учрашувлар, спорт мусобақалари ўтказилиши ҳам дам олувчиларга манзур бўлади, деб умид қиламиз.

О. ҒОҒУРОВ,
милиция полковниги.

БОЛАЛАР
НАЗОРАТСИЗ
ҚОЛМАСИН!

Айни кунларда умумтаълим мактабларида ўқув йили якунланиб, ёзги таътил кунлари бошланди. Сир эмас, бундай вақтда кўплаб болалар ота-оналарининг назоратидан четда қолади. Натижада турли кўнгилсиз ҳодисалар содир бўлиши мумкин. Бу каби аянчли ҳолатлар юз бермаслиги учун болаларга йўл ҳаракати қоидаларини яна бир бор тушунтириш зарур.

Андижон шаҳар ИИБ ИХХБ ходимлари шаҳардаги мавжуд 50 та умумтаълим мактаблари ҳамда лицейларда бўлиб, ёзги таътилни қандай ўтказиш, серкатнов йўллардан ўтаётганда йўл ҳаракат қоидалари ва белгиларга тўла амал қилишлари лозимлигини атрофича тушунтириб ўтдилар.

Олиб борилаётган бу каби тарғибот ва ташвиқотлар натижасида йўл-транспорт ҳодисалари тобора камаймоқда. Жумладан, 2002 йилнинг 5 ойида шахримизда болалар иштирокида 40 та йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлган бўлса, жорий йилнинг шу даврида бу кўрсаткич анча пасайди. Ходимларимиз айни кунларда шахримиздаги 22 та мактабда ташкил этилган болалар оромгоҳларида бўлишиб, улар билан суҳбатлар ҳамда автомайдончаларда амалий машғулотлар ўтказмоқдалар.


Я. ИСМОИЛОВ,
милиция майори.

«ФУТБОЛ» ЦИКЛОКРОССВОРДИ

1. Олий табақа футбол командаси. 2. Футбол бўйича биринчи жаҳон чемпионатида илк тўпни киритган француз футболчиси. 3. Футбол соврини. 4. Германиядаги футбол команда. 5. Италиянинг "Рома" командаси тўпурари. 6. Франциянинг пешқадам командаларидан бири. 7. Таниқли ўзбек футбол шарҳловчиси, устоз журналистнинг исми. 8. Туркия футбол командаси. 9. Таниқли "Монако" командаси тўпурари. 10. Испаниянинг "Валенсия" командасида тўп сураётган ҳужумчи. 11. "Депортиво" командасида тўп сураётган ҳужумчи. 12. Футбол ўйинини бошқарувчи. 13. Босқичли биринчиликдаги ҳал қилувчи ўйин. 14. 1982 йил ўтказилган жаҳон чемпионатида энг кўп тўп киритган Италия терма командаси аъзоси. 15. Англиянинг ҳужумчи Жанфренко Зола тўп сураётган командаси. 16. Тўпурар Кристиан Вьерл ўйнаётган Италиядаги команда. 17. Россиядаги команда. 18. "Реал" командасида тўп сураётган юлдуз.

ЧАЙНВОРД: 19. Футбол анжومي. 20. Ватанимиздаги энг катта стадион. 21. Бразилиялик моҳир тўпурар. 22. Ютуқ ҳисоби. 23. "Барселона" командаси ҳужумчиси. 24. Самарқанд вилояти командаси. 25. Мехикодаги футбол стадиони. 26. Англиядаги футбол команда. 27. III жаҳон чемпионати тўпурари, бразилиялик футболчи. 28. XX асрнинг футбол юлдузи Пеле ўйнаган команда. 29. Москвадаги футбол команда. 30. Париждаги стадион. 31. Туркиянинг машҳур командаси. 32. "Милан" командасида тўп сураётган моҳир тўпурар. 33. Франция футбол командаси. 34. Италиядаги командалардан бири. 35. Собик пахтакорчи. 36. Ўзбекистоннинг энг кўп чемпион бўлган командаси. 37. "Локомотив" командаси ҳимоячиси. 38. Перулик моҳир тўпурар дарвозабон.

Ғозилжон **ОРИПОВ** тузди.



ЎТГАН СОНДА БЕРИЛГАН КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ

Бўйига: 1. Афгон. 2. Анор. 4. Нола. 5. Амма. 6. Космос. 7. Икарус. 10. Базм. 12. Квас. 13. Одил. 15. Дилозор. 16. Бойсар. 20. Той. 21. Ари. 24. Ораз. 25. Италия. 26. Гушт. 28. Шахмат. 29. Алои. 33. Ампер. 34. Ошин. 25. Анор. 36. Авлиё.

Энига: 3. Арион. 5. Алои. 8. Софокл. 9. Малина. 11. Ака. 14. Палма. 17. Ирода. 18. Чиғатой. 19. Маст. 21. Асил. 22. Олой. 23. Асир. 24. Олий. 27. Ишва. 30. Нотўғри. 31. Чаман. 32. Ахлоқ. 37. Кишмиш. 38. Навфал. 39. Неал. 40. Раис.

Турфа олам

Сўнги пайтларда дунёда чапақайлар сони ортмоқда. XX аср бошларида улар аҳолининг 4 фоизини ташкил этарди. Аср охирига келиб 13 фоизга етди.

Эркакларнинг соқоли йилига ўртача 14 сантиметр ўсаркан.

Ҳар куни дунёда 33 хил янги товар пайдо бўлади. Уларнинг 13 хили ўйинчоқдир.

Эснаш ҳам лаззатланишнинг бир кўриниши экан. Шунинг учун суҳбатдошингиз эснаса, у зерикапти деб ўйламанг. Аксинча, роҳатланаётган бўлади.

Дунёдаги энг катта гул Африка чангалзорларида ўсади. Унинг номи рафлезия, бўйи 91 сантиметр, оғирлиги 7 кило. Фақат "ҳар тўқисда бир айб" деганларидек, гулнинг бадбўй ҳидига чидаб бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Ҳарбий дипломатия, юриспруденция ва жанговар санъат махсус мактаб-интернати янги ўқув йили учун

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Махсус мактаб-интернатга отаси ёки онаси хизмат вақтида ҳалок бўлган ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларининг 4-синфни битириб 5-синфга ўтган ўғилларининг ҳужжатлари қабул қилинади.

Номзодлар тиббий кўрикдан ўтказилиб, она тили, математика, жисмоний тарбия, психология фанларидан тест сновлари ва имтиҳонлар топширадилар.

Номзоднинг бўйи 1 м 40 см дан паст бўлмаслиги керак.

ҲУЖЖАТЛАР 25 ИЮНДАН 15 ИЮЛГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

МАНЗИЛГОҲ: Шайхонтохур тумани, ИИБ "ЖАР" ССМ, 38-мактаб ёнида. 91, 28, 64-автобуслар, 4-троллейбуснинг "Чорсу бозори" бекати.

**ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ ИВ
БИРЛАШГАН
ТАҲРИРИЯТИ**

МАНЗИЛИМИЗ:
700029,
Ташкент,
Yunus Rajabiy ko'chasi, 1

Bosh muharrir
Shuhrat MURODOV

Bosh muharrir
o'rinbosari v.b.
**Murod
TILLAYEV**
Mas'ul
kotib
R. BERDIYEV

Navbatchi
S. SHAMSIDDINOV
Sahifalovchi
Z. BOLTAYEV
Musahhih
G. XOLIQOVA

TELEFONLAR:
Bosh muharrir
o'rinbosari 139-75-69.
Kotibiyat 59-20-96.
muxbirlar
bo'limi 139-75-69.
Buxgalter 139-75-37.
Faks 132-05-51.

E-mail:
urmvd@globalnet.uz

Tahririyat hisob raqami
20210000700447980001,
MFO 00421.
«Ipak yo'li» aksiyadorlik
investitsiyaviy tijorat
bankining Mirzo
Ulug'bek bo'limi.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat matbuot
qo'mitasida 00007 raqam bilan ro'yxatga olingan

Buyurtma Г — 489.

Bosilish — ofset usulida. 42507 nusxada chop etildi.

• Ko'chirib bosishda
«Postda»dan olinganligini
ko'rsatish shart
• Muallifning mulohazasi
tahririyat fikriga mos
tushmasligi mumkin.
• Qo'lyozmalar tahlil
qilinmaydi va
qaytarilmaydi.

Obuna raqamlari:
Yakka tartibda — 180
Tashkilotlar uchun — 366

Gazeta haftaning payshanba
kunlari chiqadi.

Bosilishga topshirish vaqti — 20.00.
Bosilishga topshirildi — 20.00.

«SHARQ»
nashriyot-matbaa aksiyadorlik
kompaniyasi boshmaxonasida
chop etildi.

Korxonaga manzili:
Buyuk Turon ko'chasi
41-uy.

1, 2, 3, 4, 5, 6.